

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Н.Хўжаев, Ж.Ҳасанбоев**

**ИҚТИСОДИЙ ПЕДАГОГИКА**  
**(Ўқув қўлланма)**

**Тошкент-2002**

Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика.  
Ўқув қўлланма.- Т.: ТДИУ, 2002. -75 б.

Ушбу қўлланмада асосий эътибор мустақиллик даврида иқтисодий педагогиканинг мақсад ва вазифалари, иқтисодчи-педагог тайёрлашда Ислом Каримов асарларининг ўрни, бўлажак иқтисодчи-педагогларнинг психологик хусусиятлари, иқтисодий педагогиканинг ривожланиш тарихи ва унинг касбий ҳамда ахлоқий хусусиятлари, назарий асослари, талабаларда миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ва миллий онгни тарбиялаш ҳамда иқтисодий таълимни бошқариш масалаларига қаратилган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртларининг талабалари, магистрлар ҳамда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчи ва талабаларига, иқтисодий педагогика муаммолари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар: п.ф.д., проф. Н.Саидахмедов,  
и.ф.д., проф. Т.Шодиев

© - Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети, 2002.

## КИРИШ

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг асосий мақсади – юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини барпо этиш стратегияси ҳамда асосий йўналишларини унинг компонентлари: шахс, жамият ва давлат, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш вазифаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш. Дастурда юқори малакали иқтисодчи-педагог мутахассислигини тайёрлашда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўрни катта эканлиги ҳақида сўз юритилган.

Иқтисодчи-педагог янги турдаги мутахассис бўлганлиги учун уни касбий ва педагогик жиҳатдан тайёрлаш энг мураккаб муаммодир. Бу муаммони ҳал қилишда психология, педагогика ва иқтисодиёт фанлари ўқитувчилари ҳамкорликда ишлашлари лозим. Чунки, бўлажак иқтисодчи-педагог энг аввало психология, педагогика ва иқтисодиёт фанларидан илмий билим ва кўникмаларга эга бўлмоғи талаб этилади.

Иқтисодиёт педагогикаси бу яхлитликни ўзида мужассамлаштирувчи фан сифатида юзага келди. У фан сифатида иқтисодиёт қонуниятларини педагогик методлар орқали ўрганadi. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ушбу қўлланмада асосий эътибор мустақиллик даврида иқтисодиёт педагогикасининг мақсад ва вазифалари, иқтисодчи-педагог кадрлар тайёрлашда Ислом Каримов асарларининг ўрни, бўлажак иқтисодчи-педагогларнинг психологик хусусиятлари, иқтисодий педагогиканинг ривожланиш тарихи ва унинг касбий ҳамда ахлоқий хусусиятлари, назарий асослари, талабаларда миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ва миллий онгни тарбиялаш ҳамда иқтисодий таълимни

бошқариш масалаларига қаратилган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртларининг талабалари, магистрлар ҳамда академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчи ва талабаларига иқтисодий педагогика муаммолари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

## 1- боб. ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ МОҲИЯТИ

### 1-§. Мустақиллик ва иқтисодий таълим педагогикасининг мақсад- вазифалари

Инсон, унинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атвор андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий предметлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажриба таҳлили ва таълим тизимининг жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига ижодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари

суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир. Ўзбекистон олий мактаб тизими 58 олий ўқув юртини, шу жумладан 16 университет ва 42 институтни ўз ичига олади, уларда 164 минг талаба таълим олмоқда.

Олий таълимда кадрлар тайёрлашни марказлаштириш ҳамда ҳуқуқий йўналишга ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Ўқув юртларининг тармоғи кенгайтирилиб, университет таълимини ривожлантирган ҳолда абитуриентлар ва талабаларнинг билим даражасини тест, рейтинг асосида баҳолашнинг илғор усуллари жорий қилинмоқда. Олий таълим ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизига асосланади, ҳамда икки босқичга эга олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари негизидан пуллик шартномавий асосда амалга оширилади.

*Бакалаврият* - мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим олиш муддати камида 4 йил давом этадиган таянч олий таълимидир. Бакалаврлик дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб йўналиши бўйича «бакалавр» даражаси берилади.

*Магистратура* - аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизидан таълим муддати камида 2 йил давом этадиган олий таълимдир. Магистр бакалавр даражасидан фарқли равишда маълум ихтисослик бўйича юқори малакали мутахассис ҳисобланади. У аспирантурага кириш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасида турли даражадаги олий таълим муассасалари мавжуд.

*Академия* - кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг аниқ соҳалари бўйича олий ўқув юртидан кейинги

таълим дастурини амалга оширади.

*Университет* - кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соҳалари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширишга имкон беради.

*Институт* - билимларнинг битта соҳаси доирасида аниқ йўналишлар бўйича қоидага кўра олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширади.

Олий таълим муассасаларида факультетлар, бўлимлар, кафедралар ва талабаларнинг академик гуруҳлари шаклланади. Дастурда кўрсатилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш Республика олий мактаб педагогикасининг ҳам асосий мақсадидир. Олий мактаб педагогикаси олий таълимни амалга оширади. Бу алоҳида фан бўлиб, талаба ёшларнинг тарбияси билан шуғулланади. «Бакалавр», «Магистр» каби 2 босқичдан таркиб топган олий таълим тизими қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- бакалаврият ва магистратура учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- олий таълим муассасалари учун профессор-ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, шу жумладан, чет элларда етакчи ўқув ва илмий марказларда тайёрлаш;

- олий таълим муассасаларида таркибий ўзгаришлар ўтказиш;

- олий таълим муассасалари бошқарувини ташкиллаштириш, бу муассасаларнинг мустақиллигини кучайтириш, муассасалар, воситалар кенгашлари, жамият назарий кенгашлари шаклидаги бошқарувни жорий этиш;

- таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш

ва амалиётга жорий этиш;

- ўқиш, мустақил билим омилини индивидуаллаштириш ҳамда дистанциялаш таълим тизими механизмлари ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш;

- янги педагогик ва ахборот технологиялари тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларга таълим беришни жадаллаштириш;

- халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш.

Олий мактаб педагогикаси талабаларни тарбиялаш, таълим бериш, маълумотли қилиш муаммолари билан шуғулланадиган фандир. Бу фан олий мактабни бошқариш, талабаларни ўқитиш моҳиятини, мақсад вазифаларини белгилаб беради. Ўқитишнинг ташкилий шакллари, методларини ўргатади. Ахлоқий тарбия дунёқарашни шакллантиради.

Манбаларда ёзилишича кишилик жамияти пайдо бўлгач, ижтимоий ҳаётда орттирилган тажрибаларни қуйи авлодга ўргатиш эҳтиёжи туғилади. Таълим тарбия билан шуғулланувчи тарбиячилар касб-хунар хомийлари сифатида ажралиб чиқа бошлади. Уларнинг таълим-тарбия борасидаги фаолиятлари ва тўпланган тажрибаларидан унумли фойдаланишлари педагогика фанининг вужудга келишига олиб келди. Шундай қилиб, педагогика таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари, уларнинг мазмуни, усуллари ҳамда ташкил этиш шакллари ҳақида маълумот берувчи фанга айланади.

Демак, педагогика фани ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун таълим-тарбиянинг мазмуни, умумий қонуниятлари ва уларни

амалга ошириш йўлларини ўргатувчи фан сифатида намоён бўлди. Шу нуқтаи назардан умумий педагогиканинг қуйидаги йўналишлари мавжуд. Жумладан, халқ педагогикаси, сурдо педагогика, экопедагогика, иқтисодий педагогика ва ҳ.к.

Иқтисодий таълим- тарбияни ўзида гавдалантирган иқтисодий таълим педагогикаси фани бизга, яъни Ўзбекистонга мустақиллигимизнинг биринчи йилларидан кириб келди. Чунки, кўзланаётган тажрибалар иқтисодий таълим педагогикасининг асоси бўлиб хизмат қилади. Талабаларимизга иқтисодий таълим, иқтисодий тарбия бериш муаммолари кўзга таппаниб қолди. Шу нуқтаи назардан И.Каримов: «Бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодий билимларни беришимиз мақсадга мувофикдир», - деб татакдлаган эди.

Маълумки, умумий педагогика фанининг объекти асосан таълим олувчилар, тингловчилар, ўқувчилардан иборат бўлса, предмети эса ўқувчиларга бериладиган таълим - тарбия назарияси ва амалиётидир. Шундай экан иқтисодий таълим педагогикасининг предмети- иқтисодий таълим ва иқтисодий тарбия ҳисобланади. Чунки, иқтисодий таълим педагогикасининг мақсади ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни тарбиялашдир. Иқтисодиёт таълими педагогикаси ёки иқтисодий педагогика - иқтисодий муаммоларни ўқитиш, иқтисодий тамойиллар билан ўқувчиларни таништириш, уларда иқтисодий малака ва иқтисодий кўникмаларни ҳосил қилишни ўрганади. Жумладан, иқтисодиётнинг ўзи макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт, ишлаб чиқариш омиллари, мулкӣ муносабатлар, жамғариш ва иқтисодий ўсиш, товар ва пул муносабатлари, молия ва кредит муносабатлари, солиқларнинг ўрни ва



аҳамияти, маркетинг ва менежмент тушунчалари, ниҳоят асосий ҳисобланган бозор иқтисодиёти ҳақида умумий ва яхлит тушунчаларни ўрганади.

**Иқтисодий таълим педагогикасининг асосий тушунчалари иқтисодий таълим, иқтисодий тарбия ва иқтисодий маълумотдир.**

*Иқтисодий таълим* – маълум махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида (педагоглар) амалга ошириладиган жараён бўлиб, унда шахсга иқтисодий таълим бериш, яъни иқтисодиётнинг маълум тамойилларини тушунтириш ва иқтисодиётни маълум соҳалари ҳақидаги билимларни ўқитишдан иборат.

*Иқтисодий тарбия* - шахсни иқтисодиёт асослари билан таништириш, тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисобкитоб ва шу кабилар ҳақида фикрлай олиш каби қобилиятни камол топтиришдир.

*Иқтисодий маълумот* - иқтисодий таълим тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма, малакалар ҳамда шаклланган дунёқарашлар мажмуи.

**Иқтисодий таълим педагогикаси иқтисоднинг умумий асослари ҳақида баҳс юритади, албатта. Шундай экан биз иқтисодиёт ўзи нима? Унинг тузилиши қандай? Унинг қонун ва тамойиллари қайсилар? – деган саволга жавоб беришимиз зарур.**

**Иқтисодиёт** - юнунча сўздан олинган бўлиб, уй хўжалигини бошқариш деган маънони билдиради. Ҳаммага яхши маълумки, одамлар яшаш учун фаолият юритиш, ўзларидан кейинги авлод қолдириш учун турлитуман неъматларни истеъмол қилмоқликлари, маънавий озиқ олмоқликлари лозим. Бунинг учун эса, ўз-ўзидан аёнки, ана шу неъматлар яратилмоғи, хизматлар муҳайё

этилмоғи керак. Иқтисодиёт- инсон фаолиятининг истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, унинг натижаларини ўзлаштириш, мавжуд моддий ва меҳнат имкониятларидан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг муҳим томонидир.

Иқтисодиёт жуда кенг ва мураккаб тушунча. Унга биринчи навбатда, мамлакат ёки жамиятдаги иқтисодий муносабатлар киради, уларнинг табиати эса мавжуд мулкчилик муносабатлари билан белгиланади. Иқтисодиёт тушунчасига мамлакатдаги ишлаб чиқариш ҳолати, жойланиши ва динамикаси ҳам киради. У мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларига ҳам боғлиқ. Масалан, Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати ва даражаси унинг хомашё ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги, аста-секин бевосита пировард (тайёр) маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва аҳолиси ҳамда чет эл эҳтиёжларини қондиришга ўтила бораётгани билан тавсифланади.

Иқтисодиёт ҳамма вақт қандайдир ўзига хос тузилишга эга. У аввало ишлаб чиқариш тармоқларини (савдо, алоқа ва ҳ.к.) ҳамда ноишлаб чиқариш соҳаларини ҳам қамраб олади. Ушбу соҳалар ўртасида муайян боғлиқликлар, нисбатлар мавжуд бўлиб, иқтисодиёт ҳолати уларнинг ички тузилиши даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, иқтисодиёт ривожини эндиликда ноишлаб чиқариш тармоқларининг, айниқса, маиший хизмат кўрсатишнинг тараққиёти билан белгиланмоқда.

Иқтисодиёт тор маънода халқ хўжалигининг айрим тармоқларидаги ишлаб чиқариш, ундаги натижалар, уларнинг тақсимланиши ва истеъмол қилиниши ҳолатини ҳам ифодалайди. Шунингдек, халқ

хўжалигининг қуйи бўғинлари корхоналар иқтисодиёти «иқтисодиёт» тушунчасида муҳим ўрин тутади. Зеро, иқтисодиётнинг умумий ҳолати ва ривожини худди ана шу дастлабки бўғинлардан иқтисодий аҳволга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам иқтисодиётда ўсиш, ижобий натижаларга эришиш учун корхоналарни ривожлантириш, уларда бошқаришнинг иқтисодий воситаларини жорий этишга эътибор қаратилади.

Иқтисодий қонунлар чуқур муносабатлардир. Юқоридагилардан маълум бўлдики, иқтисодиёт - катта бир олам, улкан макондир, унда бир бирига боғлиқ муносабатлар, боғлиқлик ва алоқадорлик мавжуд. Ана шу жараёнларнинг ўзи кўп томонлама ва кўп қирралидир. Бу мураккаб иқтисодий жараёнлар ёки воқеалар ичида шундайлари борки, улар муҳим ўзаро боғланиш ва сабаб- оқибат алоқаларига эга, улар доимо такрорланиб туради. Ана шундай иқтисодий воқеа-ҳодисалар иқтисодий қонунларда ифодаланади.

Иқтисодий қонунлар чуқур, моҳиятли ва сабаб оқибатли боғланган иқтисодий ҳамда воқеаларнинг илмий инъикосидир. Демак, чуқур моҳиятга, сабаб оқибатли боғлиқликларга, доимо ўз “борлигини” кўрсатиб турадиган иқтисодий муносабатларга иқтисодий қонунлар дейилади. Жамиятдаги барча ишлаб чиқариш ва тақсимотта боғлиқ бўлган муносабатлар иқтисодий қонунлар орқали бошқарилади.

Иқтисодий таълим педагогиканинг манбалари, асосан “Алломаларимизнинг иқтисодий мероси” ҳисобланади. Жумладан, Қуръони Карим ва Ҳадислардаги иқтисодий ғоялар, Форобий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва бошқа алломаларимиз яратган ғоялар ва фикрлар ва шу билан бирга бозор

иқтисодиёти даврида вужудга келаётган замонавий билимлар ҳам иқтисодий таълим педагогикасининг манбалари, ўрганиш объектлари бўла олади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда иқтисодий педагогиканинг методларига (усулларига) қуйидагиларни киритиш мумкин бўлади:

-кузатиш ва суҳбат усули;

-талабалар ижодини ўрганиш ҳамда тест, сўровномалар усули;

-ҳужжатларни таҳлил қилиш усули;

-эксперимент, тажриба, сўров усули;

-статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули;

-математика, кибернетика усули.

Кузатиш усули энг қулай ва кенг тарқалган усуллардан ҳисобланади. Илмий кузатиш деганда, махсус ташкиллаштирилган тадқиқот қилинувчи объект, жараён ёки кўриниш табиий шароитларда ўрганилади. Илмий кузатиш оддий кундалик кузатишдан бир мунча фарқ қилади, яъни: 1) масала ва объектлар аниқлаштирилган ҳолда кузатиш чизмаси яратилади; 2) натижалар албатта қайд этилади; 3) олинган маълумотлар қайта ишланади.

Тажриба ўрганиш усули - кенг маънода бу усул иқтисодий таълим - тарбиянинг тарихий муносабатларини ўрганиш, ўқув тарбиявий тизимларда умумий ва мустақкам фаолиятни ажратишга қаратилган илмий билим фаолияти ҳисобланади. Бу усул илк манбаларни ўрганиш усули билан тўқнаш келадики, уни архив усуллар деб юритилади.

Талабалар ижодини ўрганиш усули - иқтисодий таълим педагогикаси ҳамда бир қатор бошқа фанларда ҳам талабаларнинг ижодий ишлари билан танишиш,

ижодий ишларини ташкил этиш ва улар билан шуғулланиш жараёнида талабаларга кўмак бериш каби саволларга бевосита жавоб беради. Яъни, курс ишини тайёрлаш, мустақил ишга тайёрланиш, рефератлар ёзиш, маъруза ва амалий машғулотларга тайёрланиш, ижтимоий-иқтисодий конференцияларга (анжуманларга) маърузалар тайёрлаш кабилар шулар жумласидан.

Суҳбат усули - анъанавий илмий - тадқиқот усулларида ҳисобланади. Бунда кишиларнинг иқтисодий муносабатлари, уларнинг ҳис-туйғулари ва хоҳиш истаклари суҳбатлар орқали аниқланади. Иқтисодчи-тадқиқотчилар, умуман илмий тадқиқотчилар бошқа усуллар орқали топа олмаган илмий машғулотларини мана шу суҳбат усули орқали топганлар. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, суҳбатлар натижаларининг ишончлилигини ошириш мақсадида қуйидаги махсус чора - тадбирлар ўтказилади;

-суҳбатдошнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда режа тузиш;

-тадқиқотчини қизиқтирган турли алоқалардаги масалаларни муҳокама қилиш;

-саволлар кетма-кетлигини била туриб, суҳбатдош учун қулай тартибда бериш;

-умумий ҳолатларни тартибга солиб туриш, савол ва жавобларда топқирлик.

Юқоридаги иқтисодий таълим педагогикасининг илмий -тадқиқот усулларида ташқари ушбу фанда уни ўрганиш жараёнида қуйидаги усуллар ҳам қўлланилади.

Ушбу фан турли хил усуллардан фойдаланиб, уларнинг асосини “диалектика” усули ташкил этади. Биргина мисол: Микроиқтисод фани ушбу “диалектика”

усулини асос қилиб олади. Унга кўра барча ҳодиса ва воқеаларни доимий тараққиётда ва ўзаро алоқадорликда ўрганиш зарурлигини тақозо этади. Бунда иқтисодий воқеа ҳодисалар “анализ”, “синтез”, “индукция”, “дедукция” усуллари орқали таҳлил қилинади.

*Анализ* - таҳлил усулидан фойдаланишда иқтисодий ҳодисаларни майда бўлақларга ажратиб таҳлил қилинади.

*Синтез* - усулида эса иқтисодий ҳодисалар майда элементларни бирлаштириш асосида ягона хулосага қилинади.

*Индукцияда* - айрим иқтисодий далиллар асосида умумий хулосалар қилинади.

*Дедукция* - усулида умумий иқтисодий қондалар асосида айрим хулосалар қилинади.

Юқоридагилардан ташқари барча иқтисодий фанлар қатори иқтисодиёт таълими педагогикаси фани ҳам монографик, иқтисодий-статистик, тажрибавий (экспрементал), ҳисоб-конструктив, математик моделлаштириш, абстракт мушоҳада каби усуллардан ҳам кенг фойдаланилдики, уни ушбу фаннинг бошқа фанлар билан алоқаси негизида кўриш мумкин.

## 2-§. Иқтисодий таълим педагогикасининг бошқа фанлар билан алоқаси

Маълумки, умумий педагогика ижтимоий фанлар тизими қаторига киради. Шу маънода иқтисодий педагогика фани ҳам ижтимоий фанлар тизимидан жой олади. Мана шу нуқтаи назардан иқтисодий педагогика фани барча ижтимоий фанлар билан алоқада бўлади. Яъни: фалсафа, тарих, тил, мантиқ, руҳшунослик (психология), социология, ахлоқ ва одобшунослик

кабилар шулар жумласидандир.

Юқоридаги ижтимоий фанларнинг пировард мақсади ёш авлодда тўғри дунёқарашни шакллантириш ҳисобланади. Шунинг учун биргина мисол: маълумки жамият тараққиётнинг энг умумий қонун- қоидаларини ўрганувчи фан фалсафадир. Фалсафанинг диалектик таълимоти барча фанлар фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга, чунки диалектик таълимотнинг асосий ғояси - жамиятда тўхтовсиз тараққиётда бўлади деган хулосадан иборат. Шу маънода иқтисодий педагогик фалсафа фани билан доимий алоқада бўлади.

Иқтисодий таълим педагогикаси ўзининг предмети, мақсади ва вазифаси нуқтаи назаридан барча иқтисодий фанлар билан узвий алоқадорликда, ҳамкорликда бўлади. Яъни: иқтисодиёт назарияси, макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, жаҳон иқтисодиёти, молия, кредит, пул, банк иши, солиқ ва солиққа тортиш, маркетинг, менежмент кабилар шулар жумласидандир. Юқорида баён қилинган фанларнинг ҳар бирини ўқитиш услугиёти мавжуд. Шунинг учун ҳам иқтисодий педагогика шу фанлар билан алоқада бўлади. Мисол учун “иқтисодиёт назарияси” ни ўқитиш услугиёти, “микроиқтисодиёт” ни ўқитиш услугиёти кабилар. Иқтисодий педагогика мана шу услугиётни бевосита иқтисодиёт билан боғлайдики, бунда унинг барча иқтисодий фанлар билан алоқа намоён бўлади.

Умуман олганда иқтисодий педагогика мавжуд барча фанлар билан узвий алоқадорликда бўлади. Шу боғлиқлик негизида иқтисодий педагогика ўз предмети мақсад ва вазифаларини бойитиб, ривожлантириб боради.

Юқоридагиларга қисқача хулоса тариқасида яқун ясаймиз. Умуман олганда иқтисодий педагогика

фани янги фанлар таркибига кириб, унинг ривожланиш босқичлари Президентимиз И.А.Каримов белгилаб берган беш тамойил негизда амалга оширилади, яъни иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлат бош ислохотчи эканлиги, қонунлар устуворлиги, кучли ижтимоий ҳимоя ва ниҳоят бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.

## 2-боб. ИҚТИСОДЧИ ПЕДАГОГ ТАЙЁРЛАШДА И.А.КАРИМОВ АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

### 1-§. И.Каримов асарларида иқтисодий таълим тушунчаси

Мустақил Ўзбекистонимизда ислохотлар тобора қулоч ёймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, жумладан ёш авлод таълим-тарбиясида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Маънавиятимизни қайта тиклаш, янада бойитиш борасида умумхалқ кураши бошланди. Қуёш нурига зор бўлган алломаларимизнинг ўтмиш ҳақидаги пурмаъно асарлари ёруғлик юзини кўрмоқда.

Республикаимизнинг ижтимоий, иқтисодий камолоти ёш авлоднинг саъй ҳаракатларига боғлиқ эканлиги энди ҳеч кимга сир эмас. Ўсиб келаётган ёш авлод ва уларнинг келажакда қандай касб эгаллашларига қараб, республикаимиз келажagini тасаввур қилса бўлади. Келажак ёшларнинг қўлида. Ёшлар фаолияти фаровон ҳаётимиз мезонидир. Шу маънода ёшларнинг тарбиясига жиддий эътибор бермоғимиз лозим. Ёшлар таълим-тарбияси ҳар бир ота-онанинг, ўқитувчи тарбиячининг Ватан олдидаги



муқаддас бурчидир.

Ёшларимизни тарбиялаш учун биринчи гада Шарқ мутафаккирларининг дуру-жавоҳирга тенг маънавий мерослари дастурамал бўла олади. Абу Наср Форобий, Исмоил Ал-Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу али Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Фирдавсий, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур, Юсуф Хос Ҳожиб, Мирзо Улуғбек каби жаҳонга таниқли ва булар қатори бошқа ақл-заковат соҳибларининг ижтимоий-сиёсий фалсафий таълимотлари ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда муҳим воситадир.

Шундай экан, Республикамиз Президенти И.Каримов асарлари ҳам ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялашда, уларнинг иқтисодий билимларини оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Жумладан, И.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида”, “Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Ўзбекистон буюк келажак сари” асарлари келажак авлоднинг иқтисодий саводхонлигини оширишда муҳим воситадир.

И.Каримов асарларининг асл моҳияти шундаки, уларнинг барчасида асосий масалалардан бири Республикамиз иқтисодий мустақилликка тезроқ эришишини таъминлаш. Иқтисодий ислоҳотларни жадал суръатлар билан олиб бориш, кишиларда янгича фикрларни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, маъмурий буйруқбозлик тизими иллатларидан воз кечиш, келажакка ишониш

мустақиллигимизни олиб бораётган ислохотлар замирида янада мустаҳкамлаш каби иқтисодий масалалардан ташқари кишиларимиз онгида янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш, иқтисодий саводхонлик даражасини ошириш кабилар. Буюк келажак сари дадил олға бораётган республикамиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, чинакам ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишнинг ўзига хос тамойиллари ҳамда туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислохотларни изчил амалга ошириш асосида Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашини таъминлаш борасидаги долзарб масалалар теран таърифлаб берилган ва китобхонга тушунарли баён этилганлигидадир. И.Каримов асарларининг мазмуни ҳақида сўз борганда, биз уларга алоҳида-алоҳида тўхталсак ўз мақсадимизга эришган бўламиз, албатта.

Иқтисодиёт ҳар бир кишининг, ҳар бир оиланинг, жамоа ва умуман жамиятнинг ҳаётида муҳим ўрин тутади. Иқтисодий ахволга қараб ижтимоий ҳаёт шаклланади. Халқимизда олдин иқтисод, сўнгра сиёсат деган иборанинг ишлатилиши бежиз эмас, албатта эртанги ҳаётимиз, ҳозирги ва келажакдаги фаровонлигимиз. Иқтисод бақувват бўлмаса, фаровонлик кафолатланмайди, моддий етишмовчилик бўлади, турмуш ташвишлари ортади. Аксинча, иқтисодий ўсиш шароитида фаровонлик ортади, ижтимоий вазият барқарорлашади, кишиларда келажакка ишонч пайдо бўлади, уларнинг фаоллиги ҳам кучайиб боради.

Шу нуқтаи назардан И.Каримовнинг барча асарларида, иқтисодий ривожланишимиз омиллари, ижтимоий-иқтисодий билимлар, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, ички ва ташқи сиёсатнинг асосий

қоидалари каби масалалар билан бир қаторда иқтисодий тушунчалар ҳам ўз ифодасини топади.

Маълумки у ёки бу иқтисодий муносабат, иқтисодий қонун, иқтисодий жараён, иқтисодий ҳодиса ёки воқеанинг мазмуни ҳақида тасаввур (билим) ҳосил қилмоқ учун уларни ифодаловчи иқтисодий тушунчаларга (категорияларга) мурожаат қилинади. Бошқача айтганда, иқтисодий тушунчалар орқали иқтисодий муносабатлар моҳияти тўғрисида тўлақонли тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Шу маънода иқтисодий тушунчаларни, образли қилиб иқтисодиёт илмининг “тили” дейиш мумкин.

Бугунги кунда Президентимиз, ҳукуматимиз олиб бораётган иқтисодий сиёсатдан бохабар бўлиб бориш мамлакатимиз фуқароларининг. Миллий бурчидир. Шу нуқтаи назардан номли китобидан олинган ушбу лавҳани айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Унда иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг ҳозирги босқичда эришишимиз лозим бўлган мезонлар санаб ўтилган. Ушбу лавҳадан китобхон маълум иқтисодий термин ва тушунчаларни моҳият-мазмунини, амал қилиш механизмини англаб ётгани ҳолда, иқтисодий мушоҳада юритишга ва шунинг негизда иқтисодий билимини ошишига имкон яратади:

- “агар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуролантиришга боғлиқ бўлмаса, унинг камайишга йўл қўймаслик;

- устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитларни вужудга келтириш. Ишлар чиқариш фаолияти рағбатлантирилишига кўмаклашиш. Ўзи ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватламасдан ва ички резервлардан фойдаланиш эвазига иқтисодиётни ичдан

ривожлангирмасдан туриб молиявий ҳамда ижтимоий барқарорликка умид боғлаш мумкин эмас;

- давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳолининг барқарорлигини мумкин бўлган доирада таъминлаш;

- пулнинг қадрсизланиши жараёнини тўхтатиб туриш;

- тўлов баланси ва давлат резервларининг ҳолатини яхшилаш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва шунинг негизда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий муносабатларда тутган ўрнини мустаҳкамлаш;

- ижтимоий аҳволни барқарорлаштириш учун кучли ижтимоий сиёсат мувозанатлаштирилганлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасининг мумкин қадар барқарорлигини сақлаш”<sup>1</sup>.

Ушбу келтирилган қисқача лавҳадан китобхон иқтисодий терминлар, яъни ишлаб чиқариш ҳажми, давлат бюджети, корхоналарнинг молиявий аҳоли, пулнинг қадрсизланиши, тўлов баланси ва давлат заҳиралари, ижтимоий жараёнлар кабиларни чуқур мушоҳада қилишга тўғри келади.

Китобхонни ўзига жалб қиладиган асарларидан бири бу “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” дир. Ушбу асарда иқтисодий масалалар ёритилиши билан бир қаторда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги воқеа-ҳодисалар ҳам ўз ифодасини топади.

Асарда қуйидаги иқтисодий масалалар алоҳида ёндашилади:

---

<sup>1</sup> Каримов И.А.. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида. -Т.:Ўзбекистон, 1995, 202 -203 б.

-бозор муносабатларини қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши;

-кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолининг ижтимоий фаоллиги ортиши;

-жуғрофий-стратегик имкониятлар ва табиий хомашё ресурслари;

-инсон салоҳияти, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси;

-кенг кўламли ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатлари;

-жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик ва ҳ.к.

Асарнинг жуғрофий-стратегик имкониятлар ва табиий хомашё ресурслари пунктида Республикаимизнинг иқтисодий имкониятлари ниҳоятда кўп эканлиги ҳақида фикрлар, иқтисодий тушунчалар, иқтисодий билимлар берилади. Жумладан, Ўзбекистонда Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари мавжуд. Ғоят муҳим стратегик манбалар - нефть ва газ конденсати, табиий газ бўйича 155 та истиқболли кон, қимматбаҳо металллар бўйича - 40 дан ортиқ, рангли, нодир ва радиактив металллар бўйича - 40, кончилик-кимё хомашёси бўйича 15 та кон қидириб топилган.

Ўзбекистон дунёдаги жуда катта олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо ҳамда ер бағрида кам учрайдиган металллар захираларига эга бўлган давлат жумласига киради. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики Ўзбекистон улкан иқтисодий имкониятга бой мамлакатдир. Шундай экан Республикаимизга ташриф буюраётган чет эллик ҳамкорлар ҳам Республика ривожига учун маълум даражада ижобий таъсир қилмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистон ўз нуфузига эга бўлиб бормоқда, яъни турли мишгақавий халқаро ташкилотлар,

чунончи, Европа Иттифоқи, ЕХҚТ, НАТО, ЭЖО, ОИҚ қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда.

И.Каримов асарларида иқтисодий масалалар, иқтисодий билимлар, иқтисодий жараёнларнинг мазмун-моҳияти, уларни амалга ошириш йўллари батафсил ва тушунарли ёритилганки, у инсон иқтисодий тафаккури юксалишига хизмат қилади.

## 2-§. Таълим жараёнини ислоҳ қилишда И.Каримов асарларининг аҳамияти

Мустақил давлатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат ҳамдўстлик республикалари, балки тараққий этган хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда рўй бераётган ўзгартиришларни чуқур таҳлил қилаётган чет эллик нуфузли мутахассислар “тараққиётнинг ўзбекча модели” атамасини иборага киритдилар. Шунинг ҳам алоҳида айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти халқимиз, юртимиз, иқтисодиётимиз хусусиятларини тўла-тўқис ҳисобга олган ҳолда ислоҳотларни амалга оширишнинг беш асосий тамойилини белгилаб берди. Мазкур, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлат бош ислоҳотчи эканлиги, қонунларнинг устуворлиги, аҳолининг кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ниҳоят, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш зарурати тамойилларининг мазмун-моҳияти, ва уларга амал қилиш механизми таъминланишининг назарий ва амалий асослари “Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” асарида ўз аксини топган.

Асар мустақиллигимизнинг икки йиллик тўйи нишонланаётган бир пайтда дунёга келди. Унда муаллифнинг қисқача кириш сўзи ва чинакам ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишнинг ўзига хос тамойилларини ёритилиши мақсадга мувофиқдир. Шу жиҳати билан ҳам асар бошқа асарлардан тубдан фарқ қилади.

Асарнинг “Ўтмишдан қолган мерос ва иқтисодий ислоҳотлар зарурияти” пунктида И.Каримов, Республиканинг ташқи дунёдан бир асрдан ортиқ вақт мобайнида ажралиб қолганлигига барҳам бериш, маъмурий-буйруқбозлик тизими иллатларидан бутунлай воз кечиш ва Республикада ўтмиш авлод-аждодларимиз маънавий меросларини ўрганган ҳолда иқтисодий ислоҳотларни жадал олиб бориш кераклиги ҳақида мулоҳазалар юритади. Шу билан бирга асарнинг 2-пунктида Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари, яъни унинг заминиде қимматбаҳо - хомашё ресурслари мавжудлиги, у улкан ва қудратли қишлоқ хўжалигига эга эканлиги, Ўзбекистон саёҳатчиликини ривожлантириш учун катта имконият борлиги унинг иқтисодий ҳаётида алоқа ва транспорт тизимини ривожланганлиги, Ўзбекистонда меҳмондўст, меҳнатсевар халқ истиқомот қилаётганлиги, у кучли илмий салоҳиятга эга эканлиги ҳақида батафсил маълумотлар берилади. Асарнинг аҳамиятли томонлардан бири, бу И.Каримов асослаб берган беш тамойилнинг унда гавдаланганлиги ва у асарнинг асосий қисмини ташкил қилганлигидир.

“Иқтисодиётни мафкурадан ҳоли этиш, демократик ва бозор ўзгартиришларининг асоси” номли пунктда иқтисодиётнинг устуворлигини таъминлаш ҳақида сўз боради. Бу қоида иқтисодий фаолият

ижтимоий ҳаётнинг асоси эканлигидан келиб чиқади. Иқтисодиёт қандай бўлса, ижтимоий ҳаётнинг бошқа томонлари ҳам шунга қараб бўлишини тарих тасдиқлаган. Шу нуқтаи назардан “Иқтисодиёт мафкуравий тазйиқларсиз ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланиши лозим. Мафкуравий ақидаларни баргараф этиш, бозор муносабатларига мос бўлган психологиянинг ва шунга хос иқтисодий тафаккурнинг идрок этилишига кўмаклашади”<sup>2</sup> - деб таъкидлайди.

“Давлат - иқтисодий ўзгартиришларнинг ташаббускори ва бош ислоҳотчиси” пунктида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида давлат бош ислоҳотчи бўлиши зарурлиги назарда тутилади.

Мазкур қоида ёки тамойил бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур бўлган ислоҳотлар кенг жамоатчилик иштирокида давлат ишлаб чиққан даструлар асосида, унинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида амалга оширилишини билдиради. Давлат ислоҳот жараёнининг марказида бўлиши шарт. Чунки, фақат давлатгина, умуммиллий иқтисодий манфаатларни мужассам ифодалашга ва ҳимоя қилишга, аҳолининг барча кучларини умумий мақсадлар асосида бирлаштиришга қодир. Шунинг негизида давлат, ўз ислоҳотлари билан иқтисодий эркинликлар кафолати бўлади.

Асарнинг яна бир пункти “Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш” қисмида қонунлар ва уларга риоя этишнинг устуворлигини таъминлаш ҳақида Президент ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилади. Жумладан, Ислом Каримов: “Ижтимоий

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993.



Йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қонунчилик асосини яратиш - бу фақат ўғиш даврининг мажбурий шартигина бўлиб қолмай, балки ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг ўзига хос хусусияти ҳамдир”<sup>3</sup> - дейди. Бу тамойил қонунлар олдида барчанинг баробарлиги, қонунларга риоя этиш ҳамма учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлишини билдиради. Бозор иқтисодиёти қонунчиликка таяниши, унга хос бўлган фаолият қоидалари, иқтисодий муносабатлар қабул қилинган ҳуқуқий қонунларда қайд этилиши зарурлиги Ўзбекистон концепциясида ҳисобга олинади.

Президентимиз асослаб берган, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш тамойилининг мазмун-моҳияти, “Кучли ижтимоий сиёсат - иқтисодий ўзгартиришларнинг ишончли кафолати” номли пунктда намоён бўлади. Асарда: “Аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялаш сира кечиктириб бўлмайдиган, энг устувор вазифа, амалий ҳаракатларнинг энг асосийси бўлиб келди ва ўшандай бўлиб қолади”,<sup>4</sup> - деган ибора муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда Президент И.Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида қилган маърузасидан қуйидагиларни келтириш мақсадга мувофиқ. “Тўртинчи устувор йўналиш дейди И.Каримов маърузасида, - халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этади.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислохотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб

---

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.-Т.:Ўзбекистон, 1993.

<sup>4</sup> Уша китоб.

хизмат қилади. Бу ислоҳотларимизга асос қилиб олинган беш тамойилдан биридир. Биз бундан кейин ҳам бу тамойилга таянган ҳолда иш олиб боришимиз керак”<sup>5</sup>.

Иқтисодий ислоҳотлар йўлининг негизи ҳисобланган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойили ҳақида асарнинг яна бир пунктида мулоҳазалар батафсил баён қилинади. Босқичма-босқич ўтиш сиёсатида мустақил Ўзбекистон раҳбариятининг, биринчи навбатда, И.Каримовнинг ривожланишнинг ўта масъулиятли палласида ягона тўғри йўлни танлай ола билиши намоён бўлди. Бундай сиёсат туфайли Ўзбекистон бозор иқтисодиётига қурбонларсиз, намоёнлар, иш ташлашлар ва даҳанаки жанглрсиз ўтмоқда, жамият моддий ва маънавий бойликларининг вайрон ва яқсон бўлишига йўл қўймай, келажакнинг негизи яратилмоқда. Шу муносабат билан И.Каримовнинг, Бозор иқтисодиёти томон сакрашларсиз, инқилобий ўзгартишлар йўли билан эмас, балки изчиллик билан босқичма-босқич бориш керак. Ўзбекистон бозорга ўтиш йўлининг ўзига хос хусусияти ҳам шундай деган фикрини келтириш жоиз.

Ислом Каримов асарнинг яқунловчи қисмида иқтисодий ислоҳотнинг асосий устуворликлари ва йўналишларини атрофлича яратади. Жумладан, иқтисодий ислоҳотларнинг бутун занжирида аграр соҳадаги ўзгартиришларга ғоят катта аҳамият берилади. Унда ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида қишлоқ хўжалиги ислоҳоти ҳукуматнинг доим диққат-марказида бўлишлиги таъкидланган. Шу билан бирга қишлоқда ерга мулкчилик муносабатларини

---

<sup>5</sup> Ўша китоб.

шакллантириш, хўжалик юритишнинг янги турларини шакллантириш масалалари ҳам муаллиф эътиборидан четда қолган эмас. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига давлат томонидан кредитлар бериш, уларни молиявий таъминлаш каби масалалар ҳам батафсил ёритилган. Асар ниҳоясида қуйидагиларни ўқиш мумкин, яъни “Ўзбекистон ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олди, ўзининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўлини ишлаб чиқди. Миллий хусусиятлар ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтишнинг аниқ устуворликларини, тамойилларини ва йўналишларини аниқлаб олди. Икки йиллик тажриба танланган йўлнинг тўғрилигини ишонарли тарзда тасдиқлади”<sup>6</sup> - деб ёзади И.Каримов.

Юқорида биз асарнинг мазмуни ҳақида қисқача тўхталдик, холос. Унда биз иқтисодий билимларнинг умумий иқтисодий масалалар замирида намоён бўлишини ҳам кузатиб ўтдик. Асарда таъкидланган беш тамойил иқтисодиётнинг асоси эканлигини кўрсатади.

Олий мактабларда иқтисодий фанлар дарсларида ушбу асардан фойдаланиш, ниҳоятда, унумли натижа беради. Ушбу асарда келтирилган иқтисодий билимлар кишини чуқур иқтисодий мулоҳаза, мушоҳада юритишга етаклайди. Мисол учун иқтисодиёт назарияси фанини ёки курсини талабаларга маърузалар бериш программасида “Бозор иқтисодиёти” боби мавжуд бўлиб, ушбу бобни ёритишда ўқитувчи бевосита ушбу асардан фойдаланиши ва талабаларга тавсия этиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, ушбу бобда бозор иқтисодиётининг белгилари, бозор иқтисодиётида инсон,

---

<sup>6</sup>. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.:Ўзбекистон, 1993.

бозор иқтисодиётига ўтиш, бозор ислохотлари, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос йўли каби масалалари ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам ушбу асар шу мавзунини ўтиш учун асосий манба ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида (1997 й. 29.08) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатда амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини кенг кўламда ислоҳ қилишнинг ибтидоси бўлди.

Ушбу сессияда И.Каримов нутқ сўзлади ва бу чиқишда қабул қилинаётган қонуннинг ва миллий дастурнинг аҳамияти ҳақида ўз фикр мулоҳазаларини билдирди. Жумладан, шу давргача таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган ва оширалаётган ислохотлар ҳақида қисқача гапириб ўтди. Жумладан, “Бу жараёнда охириги йилларда қилган ишларимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Мактаб соҳасида “Таълим ҳақида” Қонун қабул қилдик. 1996/97 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида ўқиш янги алифбода олиб борилди. Янги имло, алифбода ўқитиш учун зарур дастур, қўлланма ва дарсликлар яратилди. Шу давр мобайнида 300 га яқин янги турдаги таълим муассасалари очилди.

Олий ўқув юртлари қошида 46 та лицей ташкил этилди. 800 га яқин ўқувчи чет элларда таълим олди, кўпгина ўқитувчилар хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадида чет давлатларга бориб қайтди”<sup>7</sup>. Шулар билан бирга олий мактаб

---

<sup>7</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси.-Т.:Шарқ, 1999, 10-б.

соҳасида тест усули жорий этилиши, вилоятлар марказидаги педагогика институтларининг университетларга айлантирилиши, 200 дан ортиқ чет эл мутахассисларининг Республикамиз ўқув муассасаларида бўлиши ва таълим беришлари мақсадга мувофиқ амалга оширилди. Мамлакатимизда Давлат ва жамият қурилиш академияси, Банк-молия академияларининг ташкил этилиши айни муддао бўлди.

“Маҳалла”, “Камолот”, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний”, “Улуғбек”, “Умид”, “Устоз” жамғармаларининг таълим-тарбия соҳасидаги эзгу ишларини, ўсиб келаётган авлодни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга қўшаётган ҳиссалари ҳақида гапириб ўтдилар.

Юқоридаги ижобий ишлар билан бирга, масаланинг иккинчи томонига салбий ёндашиш кераклиги ҳақида ҳам мулоҳазалар билдирди, яъни “Аввало шуни таъкидлашимиз керакки, биз эски шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашдан ва сарқитлардан ҳали бери тўлиқ қутилганимиз йўқ...

Очиқ тан олиш керакки, мактабларнинг моддий базаси жуда ночор. Бу масалада нақадар оқсоқлигимизни, ночорлигимизни, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги аҳвол-вазият мисолида очиқ тан олишимиз керак.

Иккинчи масала, аввал айтганишдек, тарбиячи, яъни ўқитувчига бориб тақалапти. Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумоти, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий

билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак”<sup>8</sup>.

И.Каримов ўз фикрида давом этар экан, яна бир муҳим масала олий ўқув юртлари ислоҳотидир.

*“Бугунги олий таълим олиш тизимининг заиф томонларидан бири олий ўқув юртларида тайёрланаётган талабаларни олдиндан аниқланган фан ва техника, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларнинг эҳтиёжига, бир сўз билан айтганда, ҳаёт талабларига қараб ташкил қилмаганимиз, деб биламан.*

*Шунинг учун ҳам олий ўқув юртлари ислоҳотларини амалга ошираётганда мана шу ҳолатдан чиқаётган баъзи бир нуқсонларга алоҳида эътибор беришимиз керак.*

*Биринчидан, олий ўқув юртини ислоҳиятини амалга ошираётганда қандай талабларга жавоб беришини аниқлаб олишимиз лозим.*

*Иккинчидан, билимга чанқоқ, билим олишни ўзининг олий мақсади қилиб қўйган истеъдодли болаларни топиш, танлаш, қабул қилишда объектив адолатли тизим ва тартиб ўрнатиш, улар етарли маълумот олиш барча замонавий имкониятларни яратиб беришимиз керак.*

*Учинчидан, олий ўқув юртларида қандай ва неча хил мутахассислик бўйича таълим берилиши лозимлигини белгилаб олишимиз керак.*

*Шу жумладан, ҳозир тайёрланаётган 90-100 тага яқин мутахассисликдан қайси бири керак-у қайси бири керак эмаслигини ва янги замон талаб қилаётган янги мутахассисликларни аниқлаб олишимиз лозим.*

---

<sup>8</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. -Т.:Шарқ, 1999, 10-б.

*Тўртинчи масала. Замон талабига мос мутахассис тайёрламоқчи эканмиз, биринчи навбатда ўқув юртларимизнинг шакли, қиёфаси ва таркиби, моддий баъзаси ҳам замонавий бўлиши шарт.*

*Бешинчи масала, ўқув дастур ва программаларини замонавий талабларга мослаштириб, истиқбол ва келажагимизни кўзлаган ҳолда туриб олишимиз ва жорий этишимиз зарур”<sup>9</sup>.*

Ушбу фикрлар билан бирга И.Каримов олий ўқув юртлари домлаларини амалий тажрибалар орттириши учун чет элларга чиқариш, улар орттирган тажрибалари Ўзбекистон таълим жараёнига татбиқ қилиш масалалари ҳақида ҳам фикр юритди.

Энг асосийси таълим жараёни ислоҳоти босқичлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Таълим ислоҳотининг биринчи босқичи - ўтиш даври бўлиб, у 1997-2001 йилларни ўз ичига олиши, иккинчи босқичи 2001-2005 йилларни ўз ичига олиши ва бунда миллий дастур тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш. Учинчи босқич 2005 ва кейинги йилларга мўлжалланган бўлиб, унда тўпланган тажрибаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантирилишини таъкидлади.

Шулар қатори И.Каримов Ўзбекистон Республикасида жорий этилаётган узлуксиз таълимнинг аҳамияти, мактабгача тарбия, бошланғич таълим, умумий таълим ва мактабдан ташқари таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалаларининг муҳим

---

<sup>9</sup> Ўша китоб.

хусусиятлари ҳақида ўз фикрларини билдирди.

И.Каримов “Тафаккур” журналининг Бош муҳарририга берган интервьюсида қуйидагиларни таъкидлаган эди:

“Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўз қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қандай инсонда интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади”<sup>10</sup>.

Маълумки, бирор курсни ўзлаштириш жаёнида олий ўқув юртларида шу курсга ажратилган соатлар ҳисобидан маърузалар ташкил қилинади.

Маъруза ўқув ишларини алоҳида шакли бўлиб, унда ўрганилаётган билимлар, малакалар, кўникмалар педагог томонидан талабаларга ёппасига баён этилади. Маърузани баён этишда энг аҳамиятли ҳисобланган кўрсаткичлардан бири ўқитувчи учун нутқ маданиятидир. Педагог учун нутқ маданияти энг асосий хусусият ҳисобланади. Бунинг учун ўқитувчи ўз нутқи устида ишлаши, қисқа ифодада кўп фикр айта билиш маҳоратига эга бўлиши зарур. Ҳақиқий педагог маъруза жараёнида шогирдларини ўзи билан бирга фикрлашга чорлайди, маҳоратсиз педагогнинг маърузаси

---

<sup>10</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. -Т.:Шарқ, 1999.



тингловчининг эътиборини торга олмайди. Шундай экан маърузага ҳам қуйидаги талаблар қуйилади:

- берилаётган материаллар илмий бўлиши;
- маърузанинг системали ташкил этилиши;
- материал талабалар ёшига мос бўлиши;
- сиёсий жиҳатдан тўғри ва назарий маслалар амалиёт билан боғланиши;
- маърузада янги материалларнинг бўлиши;
- маърузада И.Каримов асарларидан фойдаланиш

ва ҳ.к.

Кишилар бирор нарсани харид этишдан олдин албатта унинг нархини сўрайдилар, умуман нарх билан қизиқадилар. Бунинг сабаби шуки, улар ўз қўлларидаги пулга нима олиш мумкинлигини чамалаб кўришади, чунки товарнинг арзон ёки қиммат бўлиши харидор истеъмолини белгилайди. Нарх бозорда шаклланади ва бозорда амал қилади. Хўш, нарх нима?

Нарх товар ва хизматларнинг фойдалилигини, яъни кишиларга наф келтиришини баҳолаш воситаси бўлиб, товар бирлиги учун тўланадиган пул миқдори билан ўлчанади, ёки қисқа қилиб нарх товар қийматининг пулдаги ифодаси дейиш мумкин. Шундан сўнг нарх функциялари ҳақида, яъни ҳисоб-китоб ва ўлчов функцияси, иқтисодий тарбиялаш функцияси, рақобат воситаси функцияси, бозор мувозанатини таъминлаш функцияси, ижтимоий ҳимоя функцияларини батафсил ёритиб берди.

Нархларнинг шаклланиши босқичма-босқич, ғоят мураккаб кечади. Унинг ўз қонун-қоидалари мавжуд. Нарх турли омиллари таъсирида шаклланади. Асосий омилларга товарнинг қиймати, товарга талаб ва таклиф, товарнинг фойдалилиги ва ниҳоят, рақобатни киритиш мумкин.

Нархнинг шаклланишидаги дастлабки асос - бу қийматдир. Қиймат товарга сарфланган меҳнатни ифода этади. Аммо, ҳар қандай меҳнат сарфи қиймат бўлавермайди. Бунинг учун меҳнат сарфи кишиларнинг талабини қодирадиган даражада бўлиши шарт. Шу ерда И.Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” асаридан лавҳалар келтирсак, “Чинакам талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган эркин бозор нархларининг амал қилиши бозор иқтисодиётининг гоят муҳим бўғини бўлиб, бу бўғин маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг ўзаро жипс таъсирини таъминлайди”<sup>11</sup>.

Нархни юзага келтирувчи энг муҳим омил талаб ва таклифнинг нисбати ҳисобланади. Агар талаб таклифдан устун келса, нарх ошади, агар таклиф талабдан кўп бўлса, аксинча нарх пасаяди. Талаб нархни оширган чоғда унга жавобан таклиф кўпаяди, чунки юқори нарх шароитида фойдани кўп олиш мумкин. Аммо таклиф кўпайиб кетса, нарх қайтадан пасайиб, товарни ишлаб чиқариш кам фойдали ёки зарарли бўлиб қолади. Бозорда нархни шакллантирувчи омиллар унга ҳар хил йўналишда ва ҳар хил даражада таъсир кўрсатади.

Мавзунӣ ёритишда, яъни нархлар чегараланиши ва даражаси ҳақида қуйидагиларни гапириб, И.Каримов асаридан ҳам фойдаландик. Асарда қуйидагилар назарда тутилган ҳукуматнинг “Нархларни эркинлаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 1992 йил 10 январдан бошлаб Ўзбекистонда кенг доирадаги ишлаб чиқариш-техника воситаси бўлган маҳсулотлари,

<sup>11</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.: Ўзбекистон, 1995.

айрим турдаги халқ истеъмоли моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг асосан келишилган (эркин) нархлари ва тарифларига ўтилди.

1994 йилнинг октябр-ноябр ойлари нархларни эркинлаштириш жараёнида муҳим босқич бўлди. Бу даврда халқ истеъмоли моллари асосий турларининг нархлари эркин қўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизматларнинг тарифлари оширилди.

Нарх муҳим иқтисодий восита бўлганидан фирмалар уни оқилona қўллашга катта эътибор беради. Уларнинг нарх стратегиясида товарларни кўпроқ сотиш, фойдани кўп олиш, бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилиш асосий ўринда туради. Шу боисдан бозорда ҳар хил нархлар амал қилади. Жумладан, мувозанат нарх, демпинг нарх, нуфузли нарх, миллий нарх, жаҳон нархи, яширин нарх, лимит нарх, стандарт нарх, контракт нарх, ўзгарувчан нарх, чакана нарх ҳамда эркин нарх кабилар шулар жумласидандир.

Шу каби маъруза дарсларни ташкил этишда И.Каримовнинг асарларидан фойдаланиш талабаларнинг мавзуни чуқур тушуниб етишлигида хизмат қилиши муқаррар. Зеро, И.Каримовнинг барча асарлари иқтисодиёт билан боғланган.

Таълим ишларининг шаклларида бири - семинар машғулотиدير. Семинар машғулоти қисқача, билимларни чуқурлаштирмаан, кенгайтирмаан деган маънони беради.

Олий ўқув юртларида талабалар маъруза дарсларида олган билимларини чуқурлаштириши, уларни кенгайтириши мақсадида ўқув юртининг ўқув режасида ҳар бир фан (курс) учун семинар машғулотида талабалар учун мустақил иш сифатида қараш мумкин. Чунки, талаба маърузада олган билимини ўзлаштиргани

ҳолда, семинар машғулотиға бошқа адабиётлар, керакли манбалардан, дарсликлардан фойдаланиб маълумотлар ахтаради ва уларни бўлғуси семинар машғулотиға ўзлаштириб боради. Семинар машғулотиға тайёргарлик талабаларни изланишға, фикрлашға, келажакка тайёрлашда муҳим восита ҳисобланади.

Бозорда харидорлар у ёки бу товарға талаб билан, сотувчилар эса товар таклифи билан ўзаро учрашадилар. Хуллас бозорнинг бир томонида талаб, иккинчи томонида таклиф туради. Талаб тўловға мос эқтиёж бўлиб, хоридорларнинг маълум миқдорда ва турдаги товарларни маълум нарх билан ва маълум вақт давомида сотиб олиш иштиёқини билдиради.

*Талаб қонуни* – бозордаги талаб товарларнинг нархиға нисбатан тескари мутаносибликда ўзгаришини билдиради: Талаб қонуни нарх даражаси билан талаб миқдорининг тескари мутаносибликда боғлиқлигини билдиради. Уни формула билан ифода этиш мумкин.

$$T_v = \frac{I}{V} \times Q,$$

бу ерда:  $T_v$  - талаб,  $Q$  - товар миқдори,  $V$  - товар нархи.

Талаб бор жойда таклиф ҳам бор. Шундай экан таклиф-товар ва хизматларнинг бозорда номоён бўлишидир.

*Таклиф қонуни* – таклифнинг миқдори нархға нисбатан тўғри мутаносибликда ўзгаришини ифодалайди. У қуйидаги формула билан ифодаланеди.

$$T_t = Q \times V$$

Бунда:  $T_t$  - таклиф,  $Q$  - товар миқдори,  $V$  - товар нархи.


Нарх ўзгаришиға нисбатан таклифнинг ўзгариш

даражаси таклиф эластиклиги дейилади. Таклиф эластиклиги коэффицентини ҳисоблаш учун таклиф ва нарх ўзгаришлари таққосланади:


$$\text{Эк} = \frac{T_1 \text{ (фоиз ҳисобида талабнинг ўзгариши)}}{V \text{ (фоиз ҳисобида нархнинг ўзгариши)}}$$

Бозорда сотувчи мўлжалланган нарх таклиф нархидир. Унинг қаршисида хоридор билдирадиган талаб нарх туради. Ўртадаги савдолашув натижасида ҳар икки томонга маъқул нарх пайдо бўлади, бу нарх мувозанат нарх деб аталади. Мувозанат нарх талаб ва таклиф мос келганда вужудга келади.

Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш керакки, мавзунини ёритишда И.Каримов асарларидан цитаталар келтирилди. Яъни, И.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” асарида бундай деб ёзган эди. “Чинакам талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган эркин бозор нархларининг амал қилиши бозор иқтисодиётининг ғоят муҳим бўғини бўлиб, бу бўғин маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истегмолчиларнинг таъсирини таъминлайди”<sup>12</sup>.



1-график. Нарх ўзгаришига жавобан эгри чизиқларнинг ўзгариши



2-график. Нархнинг талаб ўзгаришига таъсири

<sup>12</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.

Демак, семинар машғулоти дарсларида ҳам ўқувчилар томонидан машғулотга тайёрланиш давомида И.Каримов асарларидан фойдаланиш назарда тутилади. Юқорида қисман айтиб ўтилганидек семинар машғулотида тайёргарлик ҳам мустақил ишлар таркибига киради. Шу билан бирга мустақил ишларга, реферат ёзиш, курс ишини тайёрлаш, илмий анжуманларда иштирок этиш, диплом ишини тайёрлашлар ҳам шулар жумласидан. Буларга тайёрланишда И.Каримов асарларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, асарлар иқтисодий мавқега эга эканлиги билан илмий ишларни эркин баён этишида асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Мустақиллигимизнинг пойдеворини мустаҳкамлашда, мамлакатимиз тараққиётида, Ўзбекистоннинг буюк давлатга айланишида таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, фуқароларни замонавий илм-фан, маданият, техника ва технология ютуқлари билан равишда таништириб бориш бениҳоя катта эга. Чунки, Ватанимиз келажагини ҳаргомонлама етук, техникавий ва мураккаб технологиялардан оқилона фойдалана оладиган иймони бутун замонавий фикрлайдиган юксак салоҳиятли ёшлар ҳал этади. Бас, шундай экан, И.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...” асарида “Жамиятнинг энг олий бойлиги халқ абадий қадриятларни, қудратли салоҳиятни ўзида жамлаган. Бу салоҳиятни юзага чиқариш жамиятимизни ривожлантириш ва тараққий эттиришнинг жуда кучли омили бўлиб хизмат қилади. Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислохотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради”<sup>13</sup> - деб ёзади.

---

<sup>13</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари -Т.: Ўзбекистон, 1997.

Демак, республикамиз ҳар бир фуқароси илм олишга тўхтовсиз интилиши, ўзининг сиёсий онгини шакллантириши, иқтисодий билим ва кўникмаларини эгаллаши, маънавий етук инсон бўлишлиги учун ҳаракат қилиши ҳам қарз, ҳам фарзидир. Шу нуқтаи назардан Республикамиз Президенти И.Каримов Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги “Озод ва обод ватан, эркин ва фаравон ҳаёт пировард мақсадимиз” номли нутқида инсонларни сиёсий фикрлаш қобилиятларини янада шакллантириш нуқтаи назаридан қуйидагиларни айтиб ўтди.

“Ўз ҳақ-хуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор”.

Юқоридаги фикр, мулоҳазалардан келиб чиқиб қуйидагича фикримизни хулоса қилсак бўлади.

1. Республика Президенти И.Каримов асарлари келажак авлодни баркамол етук қилиб тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

2. Асарларнинг барчаси ижтимоий-иқтисодий характерга эга эканлиги билан ажралиб туради.

3. Барча берилаётган иқтисодий ижтимоий қарашлар замирида иқтисодий билим, кўникма ётади.

4. Асарлар китобхонни иқтисодий изланишга, иқтисодий мушоҳада юритишга чорлайди ва шуни негизда иқтисодий билимини юксалиб боришига замин яратади.

5. Асарларнинг, нутқларнинг барчасида

Ўзбекистонимизнинг бугуни, эртаси ва келажаги намён бўлади.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, шуни айтиш керакки, ҳар бир инсоннинг хоҳ у иқтисодчи, хоҳ низматчи, хоҳ раҳбар, хоҳ у мутахассис, хоҳ ўқувчию, хоҳ ўқитувчи, хоҳ талаба, хоҳ доктор хуллас, барча касб эгаларининг ишчи столида Мустақил Республикаимизнинг биринчи Президенти И.Каримов асослари бўлишлиги шарт. Зеро уларда Ўзбекистонимиз келажагини кўришимиз мумкин.

### **3-боб. БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИ-ПЕДАГОГЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **I-§. Олий мактаб талабаларининг психологияси ҳақида**

Ижтимоий ҳаётимиздаги инқилобий ўзгаришлар- мустақиллик, республикаимиздаги ошкоралик тантанаси учун кураш, ҳуқуқий давлат тузишга интиланган инсонпарвар психологиянинг қонуниятлари ва илмий материалларни ўрганиш, улардан турмушда фойдаланишни талаб қилади. Мазкур психологиянинг ғоялар билан шарофати, демократик ҳаракатлар ва ошкораликнинг кенг қулоч ёйиши туфайли ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларига кириб бормоқда.

Кўп йиллар давомида инсон ҳақ ҳуқуқларини чеклашга асосланган ижтимоий тарбия халқнинг миллий анъаналари ва қарашларига зид равишда, буйруқни сўзсиз бажариш ҳамда итоаткорликка одатлантиришга қаратилгани учун ҳақиқий этнопсихологик, умумпсихологик ва психогеронтологик қонуниятларни



фуқаролардан мутлақо сир тутган.

Ҳар бир ёш даврининг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тарбиявий таъсир ўтказиш инсонда ўз вақтида ўзини англашни вужудга келтиради. Муаллиф ёш психологияси бўйича мураккаб дастурга асосланиб ўзбек тилида илк бор яратилган ушбу қўлланма ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларни кутади. Ёш даврлар психологиясининг асосий вазифаси шахсининг камол топиши қонуниятлари ва турли ёшдаги кишиларда вужудга келадиган психик фаолият, ҳолат ва шарт-шароитларнинг ўзаро таъсири хусусиятларини аниқлашдан иборатдир.

Қийинчиликнинг асосий сабаблари талаба ўз ўқув фаолиятининг тўғри усулларини билмаслиги, ақлий меҳнатда куч ва имкониятларни бир текис тақсимлай олмаслигидан иборат бўлиб, булар ақлий зўриқишнинг негизи ҳисобланади. Талабаларда вужудга келган ақлий зўриқиш тасодифий психологик ҳодиса эмас, унинг замирида шахсий ўқув фаолиятини оқилона бошқариш ўқувчининг заифлиги ётади. Шунга кўра Олий ўқув юрти талабалари кўпинча ўқув материалларини ўзлаштиришда бу фаолиятни тасодифий бошқаришга ҳаракат қиладилар. Бунда муайян материаллар мантиқий ҳаракат билан эслаб қолинса, қолганлари мутлақо диққатдан узоқлаштирилади.

Олий ўқув юртининг асосий вазифаларидан бири талабани ўқув материалларининг асосий манбалари билан ишлашга ўргатишдан, унинг мустақил билиш фаолиятини ташкил қилишдан, ўзини бошқариш усуллари билан таништиришдан иборатдир. Маълумки, олий мактабда мустақиллик ва мустақил ўқув фаолиятини уюштириш талаб қилинади.

Олий маълумот олиш талабанинг мақсадга

мувофиқ, мунтазам, режали, изчил ўқув фаолиятини таълимнинг барча босқичларида амалга оширишни тақозо этади. Олий мактаб психологияси фанида талабаларнинг ўқув фаолияти аудитория ва аудиториядан ташқари қисмларга ажратилади.

Шу билан бирга талабалар олдига ўқув фаолиятининг таркибий қисмлари билан боғлиқ муайян қоидаларга риоя қилиб ҳал этиладиган масалалар кўрилади.

Маълумки, олий мактабдаги ўқув-тарбия жараёнида маъруза билан семинар машғулотларининг боғланиши муҳим аҳамият касб этади. Семинар машғулотлари асосан талабаларда тафаккурнинг танқидийлиги каби ақлнинг зарур таркибий қисмлари шаклланишига қаратилган бўлади. Семинар машғулотларида ўқитувчи ўрганилаётган муаммо юзасидан талабаларнинг билимларини текшириш, улар тафаккурининг мустақиллиги, маҳсулдорлиги ва теранлигини ошириш, уларга илмий-назариялар, концепциялар бўйича шахсий фикрларни билдиришни ўргатиш керак.

Талабалар деганда моддий ва маънавий ишлаб чиқаришда ижтимоий ҳаётга ва мутахассисликка оид ролларни муайян қоида ва махсус дастур асосида бажаришга тайёрланаётган ижтимоий гуруҳ тушунилади.

Олий ўқув юртидаги таълимнинг ўзига хос хусусиятлари талабаларнинг бошқа ижтимоий гуруҳлар билар мулоқотга киришиши учун умумий муҳим имконият яратади. Талабалик даврининг асосий хусусиятларидан бири ижтимоий етукликни жадал суръатларда рўёбга чиқаришдир.

Педагогик психология фанидан маълумки, ўрта

мактаб ўқувчиларни ҳар жиҳатдан олий мактаб таълимига тайёрлайди ва уларда умумлаштириш, мавхумлаштириш, тизимлаштириш каби қобилиятларда кўринадиган фазилатлар намоён бўлади. Шу билан бирга ўспиринда ақлий, ахлоқий, эстетик ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан муайян даражада ўсиш рўй беради. Шунга қарамай, улар олдида олий ўқув юртида мутахассисликни эгаллашга боғлиқ янги вазифалар пайдо бўлади.

Талабаларга мустақил билим олиш, ўз фаолиятини ўзи ташкил қилиши, ўзини ўзи бошқариш, янги ғояларни ишлаб чиқиш ва ҳоказаларни ўргатишдир. Талабаларда ахлоқий жараёнларнинг ўсиши суст амалга ошади, лекин хулқнинг энг муҳим сифатлари мустақиллик, ташаббускорлик, топқирлик, фаросатлилиқ каби хусусиятлар такомиллашиб боради. Уларда ижтимоий ҳолатларга, воқеликка, ахлоқий қоидаларга, қизиқиш, уларни англашга интилиш кучаяди.

## 2-§. Ўқитувчи ва талаба ҳамкорлигининг самараси

Ҳозир психологияда талаба шахсини ўрганишнинг қатор усуллари ишлаб чиқилган. Қуйида ана шуларнинг айримларига тўхталамиз.

Психология фанида кенг қўлланадиган усуллардан бири қуйидагилар.

Хурматли талабалар! Сизни илмий тадқиқот фаолиятида эксперт сифатида иштирок этишингизни сураймиз, бу ишнинг асосий мақсади талабалар шахсининг объектив ижтимоий психологик хусусиятларини аниқлашдан иборатдир:

1. Бунинг учун талаба шахсининг беш гуруҳдан

иборат қўйидаги фазилатларига диққат қилишингизни сўраймиз:

шахснинг ғоявий - сиёсий сифатлари;

касбий - ихтисослик фазилатлари;

ахлоқий - этик хислатлар;

тарбиявий - педагогик сифатлари;

ташкилий - ишчанлик фазилатлари.

2. Ҳар бир гуруҳга киритилган сифатларни муҳим деб ҳисоблашингиз, ўчириб ташлаб, ўрнига ёқтирганингизни қўйиб кўринг.

3. Ҳар бир гуруҳдаги фазилатларни аҳамиятига қараб, беш балли шкала билан баҳоланг.

“5” - талаба шахси учун мутлақо зарур;

“4” - талаба шахсида бўлиши шарт;

“3” - мазкур сифатнинг бўлиши маъқул;

“2” - бу сифат зарур эмас;

“1” - бунга эътибор бермаса ҳам бўлади.

4. Психология фанида шахснинг характерини, темпераментини, бошқаларга муносабатини улар билан мулоқот кўламини ва жамоадаги ролини ўргатишнинг кўплаб усуллари мавжуд бўлиб, (улар тўғрисида кейинроқ тўла маълумот берамиз). Бизнингча, уларни амалиётга татбиқ қилиш ҳам олий мактабдаги таълим ва тарбияни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

5. Олий мактабда ҳамкорликдаги фаолиятнинг шаклланиши унинг ижтимоий-психологик жиҳатини ташкил қилиш, ҳар қандай фаолиятни, жумладан, ўқув фаолиятини ташкил қилувчи таркибий қисмларни ўрганиш сўнгги ўн йилларда амалга оширила бошланди.

Б.Ф.Ломов фаолиятини таҳлил этишнинг умумий психологияда қабул қилинган схемасини кўриб чиқиб, бу фаолиятни бажарувчи шахснинг бошқа шахслар билан ҳамкорлиги бошқача қурилиши зарурлигини

таъкидлаб ўтади. Якка шахс фаолиятининг психологик таҳлили фаолият субъектининг бошқа одамлар билан алоқасини мавҳумлаштиради. Лекин бу мавҳумлаштириш ниҳоятда муҳимлигидан қатъий назар, ўрганилаётган ҳодисаларни бир томонлама ёритиш имконини беради.

Ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолиятига доир тадқиқотларда, асосий эътибор ўзаро муносабатнинг ривожланишини ўрганишга қаратилган, ўқитишни гуруҳли ташкил қилиш жараёни баён қилинган. Ҳамкорликдаги ўқув фаолиятининг мақсади ўзлаштириладиган фаолият ва биргаликдаги ҳаракатлар, муносабат ва мулоқотнинг бошқариш механизмини яратишдир.

Ҳамкорликдаги фаолиятнинг маҳсули талабалар мустақил ҳамда илғари сурган янги ғоялар ва ўзлаштирилаётган фаолиятнинг моҳиятига боғлиқ мақсадлар ва шерикликда шахс позициясини бошқариш истакларининг юзага келишидир. Ҳамкорликдаги фаолият усули деганда, ўқитувчи билан талабанинг биргаликдаги хатти-ҳаракатлари тизимини тушуниш керак.

Бундай хатти-ҳаракатлар ўқитувчининг талабаларга кўрсатадиган ёрдамидан бошланади, талабаларнинг фаоллиги аста-секин ўса бориб, бутунлай уларнинг ўзи бошқара оладиган амалий ва ақлий ҳаракатига айланади, ўқитувчи билан талаба ўртасидаги муносабат эса шериклик позицияси хусусиятига эга бўлади. Психология фанида ҳамкорликнинг етти та шакли мавжуд, улар қуйидагилардан иборатдир: кириш; мустақил ҳаракатлар; ўқитувчи ҳаракатни бошлаб беради ва унга талабани жалб этади; тақлид ҳаракатлари; мада ҳаракатлари; ўзини-ўзи бошқариш

ҳаракатлари; ўзини-ўзи қўзғатувчи ҳаракатлар; ўзини уюштирувчи ҳаракатлар.

Ҳамкорликдаги фаолият усуллари биргаликдаги ҳатти-ҳаракатлар шаклида намоён бўлиб, унга мулоқот даврлари сингари мазкур фаолиятнинг оддий бирликлари деб қараш мумкин. Биргаликдаги ҳаракат даври қуйидагича алмашинувни ўз ичига олади; ўқитувчи ҳаракат бошлайди, талаба уни давом эттиради ёки тугаллайди.

Олий мактабларда ҳамкорликдаги фаолиятнинг хусусиятларини ўрганиш ва тажрибаларда синаб кўришнинг асосий мақсади талабалар билимларини ўзлаштиришдаги қийинчиликларнинг сабабларини ва манбаларини тадқиқ этиш ҳамда таълим жараёнида ёки ҳамкорликдаги фаолиятда билимларни ўзлаштириш самарадорлигини оширишнинг асосий омилларини аниқлашдан иборат.

### 3-§. Иқтисодий педагогиканинг ривожланиш тарихи

Маълумки, халқ педагогикаси ўзбекона ахлоқ, одоб ва тарбиянинг барча қирраларини ўзида мужассамлаштиради. Халқ педагогикаси - халқнинг тарихий тараққиёти давомида яратган таълим-тарбияга оид қараши, ғоя, тажриба ва анъаналари ҳақида фан бўлгани учун халқнинг педагогик фикр таълим-тарбия тарихи, ривожланиши ва тараққиёти омиллари қонуниятларини ўрганеди. Шундай экан, халқ педагогикаси *биринчидан*, фикрларнинг пайдо бўлишини ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни аниқлаш; *иккинчидан*, педагогик мероснинг илмий назарий асосларини яратувчи олимлар, мутафаккирларнинг ҳаёт

фаолиятини ўрганиш; *учинчидан*, миллатнинг педагогик меросида қардош халқлар таълим-тарбиясига оид тажрибалари таъсири даражасини белгилаш; *тўртинчидан*, педагогик меросни умумий ва ўзига хос томонларини ўрганиш; *бешинчидан*, педагогик меросни бугунги кун таълим-тарбияси назарияси ва амалиётда усул ва йўлларни ишлаб чиқиш билан шуғулланар экан, унда иқтисод ва тежамкорлик тарбияси ғоялари ҳам ўз аксини топади.

Ўзбек халқи жуда қадимий маънавий ва иқтисодий меросга эга. У ўлмас тарихий мероси билан ҳар қанча фахрланишга ҳақлидир. Бу иқтисодий мерос халқимизнинг иқтисодий мустақилликни қўлга киритиши, замонавий иқтисодий иқтидорли миллатга айланишида хизмат қилди ва хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Марказий Осиё халқлари иқтисодий билимларни эгаллашларида ислом динининг тарқалиши, унинг иқтисодий ғоялари ижобий таъсир кўрсатди. Маълумки, Ислом динининг иқтисодий ғоялари мусулмонлар учун муқаддас китоб “Қуръони Карим” да пайғамбаримиз ҳадисларида, машҳур “Мухтасар” китобида ўз ифодасини топади. “Қуръони Карим”да савдони, ҳалол ва адолатли юритишга, савдо ва тижоратдан фойда олишда инсофни унутмасликка катта ўрин берилган. Айни чоғда судхўрлик, бошқалар ризқига ҳуруж қилиш, мулкнинг дахлсизлиги кабилар эътироф этилган ва қарз бериш, қарз олиш муносабатлари, етим-есирларнинг ҳаққини емаслик балки уларга муруват кўрсатиш каби ғоялар илгари сурилган.

Айниқса, ўтмиш авлод-аждодаларимиздан қолган миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз, афсона, ривоят, ҳикоя, эртак, халқ дostonлари, мақолаларимиз ҳамда

топишмоқларда, иқтисод ва тежамкорлик ғоялари илгари сурилади. Мисол учун ўзбек халқ мақолларидан бири “Етти ўлчаб бир кес”. Бу мақол замирида жуда иқтисодий ғоя, тежамкорликнинг ғояси мужассамланган,

Халқ педагогикаси намуналарида иқтисодий ва тежамкорлик ғоялари алоҳида аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан халқ педагогикаси намуналарига нималар киради? - деган саволга жавоб беришга тўғри келади. Халқ педагогикаси намуналарига асосан, халқ достонлари, ривоятлар, афсоналар, асотирлар, мақолалар, масаллар, ҳикматлар, қайроқи сўзлар ва эртақларни киритиш мумкин.

*Эртақ* орқали кишилар сирли-меҳрли олам билан танишади, ҳамда унга оид билими, тушунчалари бойийди, яхши одамлардаги ҳислатлар, ёмон одамлардаги бадхулқлар билан хабардор бўлиб, яхшиликка меҳри тобланади, ёмонликка нафрати ортади. Мақолалар, маталлар, ҳикматлар, қайроқи сўзлар - халқ донишмандлигининг юксак бадий тимсоли бўлиб, улар қисқа, содда, аммо ҳар бирининг маъноси жуда кенг бўлади.

*Асотирлар, афсона, ривоят*- доноларнинг ибратли фикри, табиатни асраб-авайлаш, қадрига етиш, чиройига чирой кўшишга бўлган иштиёқни уқтириш, экологик тарбияни қўйиш ва камол топтиришда муҳим ўрин тутади.

*Топишмоқ* қадимдан давом этиб келаётган ва халқлар орасида кенг тарқалган жанрлардан бири бўлиб, болалар топқирлигини тарбиялаш, зеҳнини ўткирлаштириш, фикрлаш қобилиятларини ўстиришда муҳим аҳамият касб этади. Топишмоқлар ўз хусусиятига кўра икки ёки ундан ортиқ болалар ўртасида мустақил фикрлаш йўли билан, савол-жавоб,



тортишувлар, бахс-мунозаралар орқали олиб борилади.

*Достонлар* бола тарбиясининг таркибий қисмлари жумладан, ақлий ва жисмоний камолот, илм ва ҳунарга муҳаббат, меҳнатсеварлик, маънавий сифат ҳамда нафис диднинг таркиб топишига доир кўпдан-кўп педагогик масалаларни ўз ичига олади. Мисол тариқасида “Алпомиш” достонига мурожаат қилсак. “Алпомиш” достони тахминан X асрда тўла шаклланган бўлиб, унда ўша давр ижтимоий-иқтисодий воқеа-ҳодисалари Алпомиш образи орқали ёритилади.

Жумладан, достон шундай сатрлар билан бошланади: “қадим ўтган замонда, ўн олти уруф кўнғирот элида Добонбий деган ўтди. Добонбийдан Олтинбий деган ўғил-фарзанд пайдо бўлди. Олтинбийдан тагин икки ўғил пайдо бўлди: каттасининг отини Бойбўри, кичкинасининг отини Бойсари қўйди”<sup>14</sup>. Халқ Алпомишни “ўтга солса, ёнмас паҳлавон қилиб яратган”. Алпомиш достонидида юқорида айтиб ўтганимиздек, иқтисодий муносабатлар ҳам ўз ифодасини топади, яъни Бойбўри укаси Бойсарини солиқларни вақтида тўлашга ундайди.

#### 4-§. Ўрта Осиё мутафаккирлари ижодида иқтисодий тарбиянинг ифодаланиши

Иқтисодий ғоялар Марказий Осиё мутафаккирларининг иқтисод тафаккур ривожини манбаи бўлиб қолди. Бу Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб мутаффакирлар ижодида ўз ифодасини топган.

---

<sup>14</sup> Халқ оғзаки ижоди.-Т.:

Фаробий ва Ибн Синонинг иқтисодий мероси марказида инсон ва унинг эҳтиёжларини қондириш масаласи туради. Зеро, юқорида айтилганидек, инсон дунёнинг олий неъматини ва унинг эҳтиёжларини қондириш ҳар қандай жамиятнинг яшаш ва ривожланиш шартидир. Инсон эҳтиёжини ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий каби гуруҳларга ажратиш мумкин. Ушбу эҳтиёжлар ичида инсон ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондириш устивор ҳисобланади.

Шарқнинг буюк фарзанди, биринчи файласуфи Абу Наср Форобийнинг Арасту фалсафаси таҳлилига бағишланган асарида иқтисод фанининг категорияси бўлган эҳтиёжлар масаласига катта эътибор қаратилган. Абу Али Ибн Сино “Тиббиёт достони” да ёзадики: “агар, ҳайвонлар табиат неъматларига қаноат қилиб яшасалар, одамларга бу неъматлар озлик қилади, улар озиқ-овқат, кийим-кечак уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондиришлари лозим”<sup>15</sup>. Унинг таъкидлашича, одамлар ўз меҳнатлари билан ўзларига озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой яратадилар, улар ана шу мақсадда деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик билан шуғулланадилар. Шунинг учун Ибн Сино одамларни ижтимоий фойдали меҳнатга чорлади. Шарқ иқтисодий тафаккирининг ривожланишида Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” номли тарихий асари алоҳида аҳамият касб этади.

Асарда меҳнатга тўғри ҳақ тўлаш, меҳнатни тақдирлаш, меҳнатни қадрга етиш, моддий манфаат, касб-ҳунар эгаллаш, кучли ижтимоий ҳимоя

---

<sup>15</sup> Абу Али Ибн Сино. Тиббиёт достони.-Т.:

масалаларига катта ўрин берилган. Бу асарда ҳунармандлар, савдогарлар, деҳқонлар ҳамда чорвадорларга алоҳида боблар берилган. Аллома айтадики: “Хизмат аҳли ўз меҳнати натижасидан умидвор туради. Умидини топмаган ходимнинг кўнгли синди. Хизматига лойиқ тақдир кўрган ходимнинг боши кўкка етади”<sup>16</sup>.

Юсуф Хос Ҳожибнинг манфаатлар (шахсий манфаат) масаласига доир ғояси айниқса аҳамиятлидир. “Айниқса бутун қимирлаган жон нафни ўйлаб ҳаракатланади” деб ёзади. Бу фикр кейинчалик “сиёсий иқтисод дарсликларида” ҳар қайси ҳаракат замирида манфаат ётади деган фикрда ҳам ўз ифодасини топди.

Шарқ иқтисодий тафаккурлари ривожланишида улуғ бобоколониализм, соҳибқирон, буюк саркарда, давлат арбоби Амир Темурнинг иқтисодий ғоялари, у ишлаб чиққан ва амалда қўллаган иқтисодий сиёсат муҳим аҳамиятга эга. Амир Темур иқтисодий ғояларни “Темур тузуклари” асарида баён этилган. Бу асарда иқтисодиётни ташкил этиш, барқарорлаштириш, тартибга солиб бериш, уни барқарор суръатлар билан юксалтириб боришга шу иқтисодий тавсиялар жамланган.

“Темур тузуклари”да қуйидагиларни ўқиймиз: “касб-ҳунар ва маърифат аҳилларига салтанат корхоналаридан улуш берилсин, билагида кучи бор фақир мискинлар эса ўз аҳволи ва касб-корига қараб йўл тутсинлар”. “Сармоёси қўлидан кетиб қолган савдоларга ўз сармоёсини қайтадан тиклаши учун хазинадан етарли олтин берилсин”<sup>17</sup>. Темурнинг

---

<sup>16</sup> Қутадғу билик. -Т.: 1990, 65- 6.

<sup>17</sup> Темур тузуклари. -Т.: 1990, 67- 6.

иқтисодий қарашлари замирида, давлатни бошқаришнинг муҳим омили саноати, солиқ сиёсати ҳам четда қолмаган. У ўз солиқ сиёсатида ҳам халқ манфаатидан келиб чиқади. Амир Темур таъкидлайдики: “аҳолидан олинадиган солиқлар уларнинг ишлаб топган даромадларига қараб белгиланиши, уларнинг қайси бирлари эл-юрт ободончилиги йўлида ўз мол мулки ва сармоясини аямай сарфласа; уларга давлат солиқ тўлашда имтиёз бериши керак”<sup>18</sup>.

Ўзбек халқининг маънавий меросида, унинг маданияти халқаро миқёс касб этишида улуг шоиримиз, фахр ифтихоримиз, маънавий доҳиймиз буюк Алишер Навоийнинг ўрни беқиёсдир. Ҳозирга қадар халқимиз уни шеърят мулкининг султони сифатида қараб келди.

Бироқ унинг илмий мероси шу қадар бой ва кенг қирралики, унда иқтисодиёт масалаларига доир кўпгина қимматли ғоялар ҳам ўз ифодасини топган. Буюк мутаффақиримизнинг иқтисодий қарашлари унинг бир умрлик китоби бўлган “Маҳбуб-ул-қулуб” (“Қалб севгилиси”) асарида баён қилинган. Алишер Навоий иккита иқтисодий ғояни илгари суради: биринчидан, меҳнатнинг миқдори ва сифатига мувофиқ тақдирланиши фикри бўлса, иккинчидан, меҳнатга яраша ҳақ олиш “она сутидек ҳалол” эканлиги ҳақидаги фикр уқтирилган. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ҳозирги даврда ҳам бу масала долзарб бўлиб қолмоқда. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бу ғоя “қандай қилиб бўлмасин, тирикчилик ўтказилса бўлди-да”, қабилидаги фикрга тамомила зиддир. Ёшларда, барча фуқароларда иқтисодий тарбия масаласи илгари

---

<sup>18</sup> Ўша жойда, 90-95- б.

сурилаётган бир вақтда буюк шоиримизнинг юқоридаги фояси нақадар аҳамиятли эканлиги тушунарлидир.

Алишер Навоий ўзининг “Маҳбуб-ул-қулуб” асарида қуйидагича ёзади: “Савдогар ёлғиз фойдани ният қилмаслиги, савдо қилиб фойда топаман, деб ортиқча кема сурмаслиги, мол ва пул кўпайтираман, деб жонсарак бўлмаслиги керак”, “Савдогар бож-хирожни бериш ўрнига ўз молини яшириб, ўз обўсини тўкмаса ёки топган тутганини меросхўрлари сотиб созуриши учун тўплаб қўймаса ёки бирор ёмон ҳодиса қўзғаш учун сарфламаса, жамғармаси яхши бўлади”<sup>19</sup>.

Алишер Навоийнинг савдогарлар тўғрисидаги ушбу фикрлари худди бугун бизнинг савдогарлар ва тижоратчилар учун айтилаётгандек туюлади. Асардаги бу фикрлардан қуйидаги хулосага келиш мумкин. Биринчидан, савдо, тижорат, бозор, муомала жараёни (олди-сотди) иқтисодий ривожлантиришда етакчи аҳамият касб - этади, зеро, бу товарлар тақчиллигини тугатишга хизмат қилади. Иккинчидан, савдо давлат бюджети даромадининг манбаи, мамлакат иқтисодий куч-қудратининг таянчи ҳисобланади, зеро, савдогарлар давлат бюджетига солиқлар тўлаб туриши орқали уни бойитиб боради. Учинчидан, алломамиз савдогарларни инсоф, диёнатга чақиради. Улардан фақат ўз фойдасини кўзлаб иш кўрмасликларини талаб қилади.

*Қобуснома.* Фарзанд тарбияси ҳамиша Шарқ мутаффакирларининг диққат марказида туради. Кайковуснинг “Қобуснома” асарида ҳам фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор берилади. Шунинг учун ҳам ушбу асар Шарқ педагогикасининг қомуси сифатида

---

<sup>19</sup> А.Навоий Маҳбуб-ул-қулуб.-Т.: Фофур Гулом, 33-б.

қарийб асрлар давомида жаҳон халқлари эътиборини қозониб келмоқда. Асардаги мўъжаз латифалар, ихчам ривоятлар китобнинг ниҳоятда жозибали, ўқишли бўлишини таъминлаган. Асарнинг баъзи бир боблари, унда келтирилган ривоятлар баркамол авлодни иқтисодиёт бўлимларни шакллантиришга ундайди. Жумладан, 32-бобда “Тижорат ва бозоргарлик расм-русумлари зикрида” фикрлар баён этилган. Яъни: “Бозоргарлик икки нав бўлур ва иккови ҳам хатарлидир: бири муомала ва бири мувофиқликдир. Муомала муҳимлари (доимий турувчилар) хосдурким, касод молларини фойда таъма билан сотиб олурлар. Бундай мол хатарлидур ва бу ишда далир (шижоатли), пеш (илгари, олдин) бир (кўрувчи) киши куҳирким, касод матони суд умиди била олган. Демак, ҳар тарикайл била бозоргон ўзининг моли ва танига далир бўлмоғи, бебоқ (бепарво) бўлмаслиги, ўзининг нафи учун ўзгаларнинг зиёнини тиламаслиги керакдир”<sup>20</sup>.

#### 4-боб. ИҚТИСОДЧИ-ПЕДАГОГ, УНИНГ КАСБИЙ ВА АХЛОҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўқитувчи гўзаллик соҳибидир. Бу олийжаноб, шарафли касб эгалари ҳақида не-не азиз одамлар қўлларига қалам олиб жўшқин ҳисларини, энг яхши эзгу тилакларини оқ қоғозларга битмаган дейсиз. Ҳаёт абадий. Аммо у ёш авлод билан барҳаёт. Авлод бор экан, унга таълим ва тарбия берадиган меҳри дарё ўқитувчилар ҳам абадий барҳаёт яшайверади. Ўқитувчи

---

<sup>20</sup> Кайковус Қобуснома. Гофур Ғулом, 1998.

бамисоли боғбон, у ёшлик гулшанининг раҳнамоси. У ўз боғидаги меваларини ранго-ранг ва соғлом бўлишини умид қилади. Касблар ичида алоҳида фахр ва ифтихор билан тарона этиладиган касб, ўқитувчилик касбидир. Чунки, бирор соҳа йўқки, унга ўқитувчининг бевосита ва билвосита қўшган ҳиссаси бўлмасин. Ўқитувчининг билимидан, ақл-заковатидан, меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлмаган киши йўқ.

“Жаҳонда бўлмаса муаллим агар, ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар”, - деб ёзади, Шарқ мутафаккирларидан бири Абдурахмон Жомий. Шу ўринда қуйидаги ўқитувчи ҳикматлари алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳақиқий устозликнинг моҳияти улғу ҳаёт тақозо этаётган, ахлоқий фазилатларни ёш авлоднинг онгига, эътиқодига, энг муҳими, кундалик хатти-ҳаракатига айлантира билишдир. Иқтисодчи педагог талаба ёнида ҳар доим катта масъулият сезмоғи лозим. Унинг талаба қошидаги обрўси ана шу ҳиссиёт билан мутаносибдир. Истеъдодли иқтисодчи тарбиячи тарбияланувчини ҳаётдаги хилма-хил ва мураккаб вазиятларга юзма-юз қўяди ва мақбул ечим топишга ўргатади.

Тарбия объектими - болани актив субъектга айлантира олишимиз керак, чунки таълим-тарбия икки томонлама жараёндир. Дунё халқларининг илғор педагогик тажрибаларини кузатмай ва ўрганмай, ўзининг билим доираси билан чегараланиб қолган ўқитувчи фан-техника ютуқларидан бебаҳра қолган косибни эслатади.

Биздан, яъни иқтисодчи педагоглардан таълим олаётган шогирд фақат бугунги куннинг эҳтиёжигина эмас, балки келгуси даҳосига ҳам монанд бўлиши керак. Ўқитувчининг фикри ва зеҳни нечоғлик теран бўлса, унинг нутқи шунчалик ихчам ва мазмунли бўлади.

Иқтисодчи ўқитувчи ўтмиш аجدодларимиз яратган ижтимоий-иқтисодий, маърифий ва маънавий меросимизни ёш авлодга етказиб берувчи воситадир. Шундай экан ўқитувчи шахси олдида катта масъулият уйғунлашади. Булар асосан ўқитувчининг касбий маҳоратларига қўйиладиган талаблар негизида намоён бўлади. Демак, улар қуйидагилар:

-иқтисодчи ўқитувчи аввало ўз касбини севиши ҳамда ўз предметининг (иқтисодий фанлар мажмуини) чуқур билимдони бўлиши;

-педагогика ва психология фанларини чуқур ўзлаштириб, ўқув-тарбия ишлари методикасини пухта эгаллаши;

-ҳаёт, фан, маданият, маърифат масалалари, ҳозирги замон техника-технологиялари билан чуқур қуролланган ва уларни ўзлаштирган бўлиши:

-Республикамиз ҳаётига оид материаллар, оммавий ахборот воситаларидан, газета ва журналлардаги иқтисодиётимизга оид энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиши ва уларни талабаларга етказа билиши;

-шу билан бирга Республика Президенти И.Каримов асарлари, улардаги иқтисодий ғоялар, ижтимоий характерга эга воқеа-ҳодисаларни таҳлил қила олиш каби вазифалар киради.

Ўқитувчилик касбига қадам қўйиш ниятида бўлган киши ўз-ўзига: шу касбни севаманми, дилимда бу ишга хавас ўти борми? Мен болажонлик фазилатига эгаманми? Бир умр ана шу ниҳоят мураккаб, лекин шарафли касбнинг жозибали сеҳри билан яшай оламанми? - деган саволларни бериб, ўз қалби билан гаплашиб олмоғи лозим. Шундай экан давр, бола истеъдодини ёшлигида боғчада ва мактабда вақтида аниқлаш, жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга



олган ҳолда уни ўстириш шакл ва усулларини яратишни талаб этмоқда. Ҳар қандай киши ҳам ўқитувчи бўла олмаслигини илмий тадқиқотлар кўрсатмоқда.

Ўқитувчилик касбини эгаллаш учун кишида қобилият, муайян-психологик малака ва маълум тайёргарлик бўлиши лозим. Инсонни эл ҳурматига сазовор этувчи яхши фазилатлардан бири танлаган касбида садоқат билан ишлай билишдир. Касбда қўнимли бўлиш инсонни безовчи зийнат бўлибгина қолмай, ишни унумли ҳам қилади. Бир ерда, бир касбда узоқ ишлашда ҳикмат кўп. Доно халқимиз “Дарахт бир ерда кўкаради” деб бежиз айтмаган. Умуман, ҳар бир инсон бир касбда, иложи борича бир жойда қўним билан ишлаши унинг ўзи учун ҳам, жамиятимиз учун ҳам фойдали. Демак, ишда, касбда қўнимсизлик кишининг ўзига ҳам, жамоатга ҳам фойдасиз. Бас шундай экан, ўқитувчилик касбида масъулиятли ва итоаткорлик, ўз касбига муҳаббат ва садоқатли бўлиш зарур. Шу нуқтаи назардан кўпгина ўқитувчилар ўз касбига фидойилиги ва маданияти, гўзал маънавий фазилатлари билан эл ҳурматига сазовор бўладилар.

Ўқитувчининг касбий маҳорати ҳақида гап кетар экан, аввало ўқитувчи ўз касбини севишидан ташқари, ўз предмети бўйича чуқур, ёндош фанлар бўйича-кенг билимга эга бўлиши керак. Бола билимдон ўқитувчини севади. У ўз билимини ўқувчиларга бера билиши, энг муҳими, уларда билимга қизиқиш уйғота олиши, дарс ёки маърузаларда талабани ўзи билан бирга фикрлашга ўргатиши лозим. Ўқитувчи ўз касбини устаси бўлишлиги учун дарс ёки маърузалар давомида педагог таъсир кўрсатиш усулларидан фойдалана билиши зарур. Унда асосан ўқувчига касбий маҳоратни ишга солган ҳолда таъсир ўтказиш назарда тутилади, яъни ўқувчига танбех

бериш, уни жазолаш ёки тақдирлаш.

Илғор ғоялар ва янгиликларнинг тарғиботчиси бўлган зиёкор ўқитувчи энг маданиятли инсон бўлиб, бу фазилат унинг юриш-туришида, феъл-атворида, кийинишида, оилада, иш жойида, одамлар билан маданий муомала қила билишида, рўзғор юргизиши, жамоат жойларида ўзини тута билиши, нутқ маданияти кабиларда ўз аксини топади. Бу фазилатлар ҳар бир олийжаноб ўқитувчи гўзал ички дунёсининг ташқи ифодасидир. Ўқитувчи ўқувчи билан муомаласида педагогик одобга риоя қилиши, ўзини тута билиши, шароитни ҳисобга олиб таълим-тарбия усулини танлаши лозим. Ўқитувчи ёш қалб эгасининг дўсти ва йўл кўрсатувчи мураббийсидир. Афсуски, ҳозирги кунда ўқиган бўлса ҳам, маданиятсиз, етарли тарбия олмаган, феъл-атвори хунук, ҳаётдан орқада қолган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ўқитувчилар ҳам учраб турибди.

*Устоз, Азиз дўстим, ҳурматда бўл, устозингдан ўзганда ҳам,*

*Илминг ошиб, иқбол кулиб ҳарчанд сенга боққанда.*

*Бўлма мағрур унвонга сен, “Алломасиз” десалар, ҳам,*

*Камтар бўлди алломалар минг ғоядан ошганда ҳам.*

*Дур-гавҳардан ортиқ эрур оқил шогирд устоз учун,*

*Устозингнинг қадрини бил, бошинг кўкка етганда ҳам,*

*Ким тош отса устозига, бўлгай бадном ўлганда ҳам,*

*Сўнмагай устоз нури ою-йиллар ўтганда ҳам.*

Жамоа тушинчаси педагогикада асосан асримизнинг 20-йилларидан бошлаб атрофлича кенг қўлланила бошлади. Ваҳоланки, бу тушунча ундан олдин ҳам тарбиячилар, психологлар, иқтисодчилар, тарихчилар, социологларнинг диққат марказида бўлган.

Талабаларни жамоада тарбиялаш гоёси ўқитувчи, тарбиячилар томонидан илиқ кутиб олинди. Жуда кўп илмий-амалий кузатишлар амалга оширилди. Бу текшириш маълумотларининг кўрсатишича, жамоа фақатгина болаларда ўртоқлик, жамоатчилик, ижтимоий фаолликни шакллантириб қолмасдан, балки талабаларнинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатини белгилаб, унга ижтимоий йўналиш берар экан.

Жамоада тарбиялаш орқали болаларнинг асосий шахсий сифатларидан характер, иродани тарбиялаб бориш мумкин экан. Жамоасиз ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаш мумкин эмас. Жамоа ҳақидаги назария, шахснинг ривожланишидаги умумий қонуниятларни очиб беради. Болаларнинг жамоага бирлашишларидаги манба ягона мақсаднинг борлигидир. Шу мақсадга эришиш учун жамоа асосидаги фаолият ташкил этилади. Мақсаднинг бирлиги жамоа аъзоларига ягона, умумий қарашларнинг тикланишини олиб келади.

Ҳар доим мақсад турғунлиги муваффақиятлар гарови бўла олмайди. Масалан, ўсмирларнинг қонунбузар гуруҳларини жамоа дея олмаймиз. Демак, системали алоқа, айрим умумий мақсаднинг жамоа бўлиш учун етарли эмас экан. Жамоа ҳақида дарсликда қуйидагича таъриф берилган. “Ижтимоий қийматга эга бўлган мақсад асосида, шу гуруҳ аъзоларининг ягона фаолиятга бирлашишлари, ўзаро муносабатда, бир-бирларига боғлиқ бўлишлари, ўзаро жавобгарликлари,

улар бурч ва ҳуқуқларининг тенглигига асосланган шахслар гуруҳига жамоа дейилади. Жамоа ўз раҳбар органларини сайлайди, бошқа жамоалар билан яқин алоқада бўлади”<sup>21</sup>.

Жамоа манбалари турли-туман фаолият турлари бўлиши мумкин. Буларга: меҳнат, ўйин, ўқиш, оммавий маданий ишлар, спорт, эстетик фаолият, маиший топшириқларни бажариш киради. Уларга қўйиладиган талаблар эса жамоа фаолиятининг ижтимоий фойдали йўналиши, жамоа аъзолари имкониятларига тўғри келишидир.

Жамоани ташкил этиш дарсда ва дарсдан ташқари олиб бориладиган тарбиявий жараённинг бир қисми ҳисобланади. Болалар жамоасига қанчалик кўпроқ таянилса, шунчалик кўп муваффақиятларга эришиш мумкин. Машғулотлар кун тартиби, болалар ўйинларини ташкил этишни пухта ўйлаб олиб борилсагина, болаларнинг жамоага жипсроқ бирлашишига ёрдам беради. Олий мактабда ўқитувчилар ва гуруҳ раҳбарларининг вазифаси аудиторияда, олийгоҳларда ташкилотчилик вазифалари талабалар қўлида бўлган ўзини-ўзи бошқариш тизимини вужудга келтиришдан иборат.

Жамоа ҳақидаги фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, қуйидагича таърифлаш мумкин. Жамият учун фойдали бир мақсад асосида бирлашган, контакт бирликка эга бўлган, ўз манфаатини жамоа манфаатига буйсундира оладиган шахслар уюшмаси жамоани ташкил этади. Демак, жамоа бўлиш учун учта талабга жавоб бериш керак. Жамият учун фойдали мақсад,

---

<sup>21</sup> Турсунов Й., Нишоналиев У. Педагогика курси.-Т.:  
Ўқитувчи, 1996 .

бир-бирлари билан яқин алоқада бўлиш ҳамда ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қуйишдир. ҳар бир алоҳида болани тарбиялаш орқали жамоани тарбиялашга эришиш мумкин.

## 5-боб. ИҚТИСОДИЙ-ПЕДАГОГИКАНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ (ДИДАКТИКА)

### 1-§. Дидактика унинг моҳияти ва тамойиллари

Дидактика таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўргатади. У грекча сўз бўлиб “дидайко” - ўқитиш, “дидаскол” - ўргатувчи деган сўзлардан келиб чиққан.

“Дидактика” нинг сўзма-сўз таржимаси таълим назариясини англатади. *Таълим назарияси*- таълим жараёнининг тушунчаси ва моҳияти, таълим қоидалари, услублари ҳамда ташкилий формаларини ўз ичига олади. Таълимнинг асосий вазифаси ёш авлодни илмий билимлар, кўникма ва малакалар тизими билан қуроллантиришдан иборат.

Демак, дидактика педагогиканинг “нимага ўқитиш”, нимани ўқитиш” ва “қандай ўқитиш” каби саволларига жавоб излайди. Умумий дидактика эса, айрим ўқув фанларига оид усуллар билан жуда мустахкам боғланади. Шу усуллар маълумотига таяниб, ўқитишнинг умумий қонуниятларини ечиб боради. Айни вақтда ҳар бир ўқув фанини ўқитиш усуллари учун умумий асос бўлиб хизмат қилади.

Шарқ халқлари педагогикасининг буюк алломаси Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билик” асари орқали илм-

фан, маърифатнинг аҳамияти, тарифи ва тавсифида кишиларни тинмай илм олишга, билим ўрганишга ундади. Дунёдаги барча хайрли ишлар, эзгу амаллар негизида илм-маърифат ётади, илм зиёси туфайли жаҳолат зулмати ёзилади, фикр равшанлашади, оламга рўшнолик таралади. Ҳар бир соғлом фикрли одам дунёнинг борлиқ ишларидан огоҳ бўлиши, бунинг учун тинмай билим олиши, маърифатга интилиши керак.

Мутаффақир Абу Райҳон Беруний (973-1048) илмнинг қадр-қиммати юксак баҳоланганлигини алоҳида таъкидлайди: “Илм ўзи лаззат бағишлайди. Одамлар илм туфайли эзгуликка эришадилар. Улар илм туфайли ёвузликдан ҳалос бўладилар. Шунинг учун илм энг аниқ фойда, катта давлат эмасми, ахир”<sup>22</sup>.

Билимлар ривожига шарқнинг буюк даҳоси Ал-Хоразмийнинг катта улуши бор. Бу буюк олим алгебра, арифметика, астрономия, география ва мусиқа соҳаларида бир қанча асарлар ёзади. Унинг “Алгебра ва алмуқобала ҳисобидан қисқача китоб” асари асосида алгебра пайдо бўлади.

Ўзбек шеърятининг буюк даҳоси Алишер Навоийнинг дидактик мероси унинг бебаҳо “Ҳамса” асарида, ҳикматларида, лирик дурдоналарида ўз ифодасини топган. Масалан, “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳод илмли, ҳунарли, ижодкор шахс. Фарҳод - илм-ҳунарни ҳаёт билан боғлайди.

Шарқу ғарб маънавий мероси асосида педагогик жараёндан марказий ўрин олган дидактика ривожига буюк чех педагоги Ян Амос Каменский ҳам катта ҳисса қўшди. Унинг “Буюк дидактика” асари ўқитишни

---

<sup>22</sup> Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ғофур Фулом, 1996.

ривожлантиришга ғоят катта таъсир кўрсатди ва муаллимларнинг доимий фойдаланадиган китоби бўлиб қолди.

Ўзбекистонда дидактик таълимнинг ташкил топиши ва ривожланиши Абдулла Авлоний, Ҳамза, Муҳаммадрасул Расулий, Қори Ниёзий, О.Шарафиддинов каби педагог ва олимларнинг номлари билан боғлиқ. Педагоглар бир қанча авлодларнинг меҳнати билан қўлга киритилган, педагогика фани эришган барча қимматли ютуқлар, замон синовидан ўтган ташқи илғор қарашларни авайлаб асраши ва ўша меросдан фаол равишда фойдаланишлари керак.

Инсон тарихи - ғоялар тарихидир. Ғоя - инсон тафаккурининг маҳсули, миллий ғоя эса миллат тафаккурининг маҳсулидир. Миллий ғоя-инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуидир.

## **2-§. Билиш таълим жараёнининг методологик асосидир**

Билиш жараёни каби таълим жараёнида ҳам ўқувчи билмасликдан билишга, нотўғри ва ноаниқ билишдан тобора тўлиқроқ аниқроқ, чуқурроқ билишгача бўлган йўлни босиб ўтади. Бу жараёнда ҳиссий идрок этиш ҳам, абстракт тафаккур ҳам, амалда синаб кўриш ҳам бўлади.

Билиш икки паллага - назария ва амалиётга бўлинади. Назария янги билимни, янгича билимни ифодаловчи тизимли фикрдир. Назария ҳар хил шаклларда ифодаланади: аксиома, теорема, қонун, формула, график, рақам ва бошқалар. Назарияда ғоя шаклланади.

Амалиёт билимларнинг ҳақиқийлигини кўрсатувчи мезондир. Кузатиш, тажриба, ўзгартириш, яратиш - булар амалиёт шаклларига киради. Амалиёт ижтимоий ҳаёт ва табиатнинг мураккаб жараёнларини билиб олишда инсон учун асосий қурол бўлиб хизмат қилади. Илмий билимнинг вазифаси ҳодисалар моҳиятини, уларнинг ривожланиш қонунларини очибгина эмас, балки бирор-бир қонуннинг қай тариқа намоён бўлиш сабабларини ҳам кўрсатиб беришдан иборат.

Билиш сезишдан бошланади. Сезиш теварак-атрофдаги воқеалар, нарса ва ҳодисаларимизни сезги органларимизга таъсир этувчи айрим сифатларининг онгимизда акс этишидир. Бунда ҳар бир орган, ҳар бир анализатор И.П.Павлов таъкидлаб айтганидек, нарсаларнинг айрим сифатларини идрок қилади.

Сезишлар- одам ҳақидаги барча билимларимизнинг манбаидир. Аммо илмий асосда билиш, масалан, оиланинг билиши билан ўқувчининг билиш фаолияти ўртасида умумийлик бўлса ҳам, улар бир-биридан фарқ қилади. Олимлар оламни билиб олиб, илгари фанга маълум бўлмаган янги ҳақиқатларни кашф этадилар, янги қонуниятларни аниқлайдилар ва шу тариқа фаннинг илгарилаб кетишига имкон яратадилар. Ўқувчилар эса таълим жараёнида оламни билиб олиб, ўзлари учун илгари номаълум бўлган, бирон фан кашф этган ва кишиларнинг ижтимоий-тарихий амалиётида текшириб кўрилган янги маълумотни оладилар. Ўқитувчи ўқувчиларни олимлар томонидан яратилган қонунларни тўғри билишга, янгилаштирилган, вақт жиҳатидан қисқа йўлдан олиб боради.

Ўқитиш жараёни икки фаолият- ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ўз ичига олади. Ўқитувчининг



фаолияти ўқув материалларини баён қилишдан, ўқувчиларда фанга қизиқиш уйғотиш, уларнинг мустақил машғулотларига раҳбарлик қилиш, билим, кўникмаларини текшириш, ўқув ишларига мойилликни уйғотиш, рағбатлантириш, билим даражаларини ҳолис баҳолашдан иборатдир.

Ўқитувчи фаолияти таълим жараёнининг ташқи томонини ташкил қилади, чунки у ўқитади, таълим беради. Ўқувчи фаолияти ички жараёни ташкил этади, чунки у ўқитувчи берган билимни ўқиб, тушуниб олади.

Ўқитиш жараёнининг иккинчи томони ўқувчининг фаолияти бўлиб, у ўқув фани материалларини ўзлаштиришдан иборат. Таълимнинг асосий мақсади, вазифаси ёш авлодни илмий билимлар, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришдан иборат. Миллий билимларни эгаллаш муайян фанлар ўргасидаги боғланишни ифода этиш, уларни изоҳлай билиш, мустақил равишда умумлаштириш, хулосалар чиқариш демакдир. Булар асосида ўқувчиларда кузатувчанлик, тафаккур, хотира каби билиш қобилиятлари ўсиб боради, уларда эътиқод тарбияланади.

Муаллим билимларни ўргатар экан ўша жараёнда болаларнинг имкониятларини ўрганади, қийинчиликларини кўради, уларни бартараф этиш чораларини излайди. Ижодий ишловчи ўқитувчи материални ўзида ҳам, уни ўқитиш усулларида ҳам янги жиҳатларни очади. Худди ана шундай иш жараёнида педагогнинг ўзига хос усули шаклланади.

### **3-§. Таълим жараёнида билиш фаолиятининг босқичлари**

Билимларни ўзлаштириш воқеъликдаги нарса ва ходисаларни сезиш ва идрок қилишдан бошланади. Билимларни ўзлаштиришда бу босқичларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Идрок - борлиқни одам онгида акс этишидир.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятидаги иккинчи босқич, билимларни тушуниш ва умумлаштиришдир. Тушунчалар ҳосил бўлиш жараёнида индукция ва дедукция каби фикрлаш масалалари катта ўрин тутади. Индукция - хусусий ҳоллардан умумий қоидага борадиган, дедукция эса, - умумийдан хусусийга борадиган фикр юритиш йўлидир.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятидаги учинчи босқич, билимларни мустаҳкамлаш ва қўллашдир. Билим, кўникма ва малакаларни муваффақиятли эгаллашнинг онгли воситаларидан бири-аввал ўзлаштириб олинган билимларни амалда синашдир. Амалиёт жараёнида билимлар тўлдириб борилади, уларни амалда қўллаш кўникмаси ҳосил қилинади. Амалий вазифаларни ҳал қилиш вақтида билимларга эҳтиёж пайдо бўлади, бу эса янги билимларни эгаллаш учун туртки беради. Улар қуйидагилар:

1. Иқтисодий таълимнинг моҳияти ва назарий асослари.

2. Иқтисодий таълимнинг мазмуни ва унинг тамойиллари.

3. Таълим жараёнининг ташкилий шакллари: (маъруза, семинар, мустақил ишлар)

Туб ислоҳотларни амалга ошириш, бозор муносабатларини шакллантириш энг аввало

ходимларнинг иқтисодий билимига боғлиқдир. Кишиларда иқтисодий тафаккурни шакллантирмасдан туриб чуқур иқтисодий ўзгаришлар қилиб бўлмайди. Шу ўринда Ислом Каримов қуйидаги фикрни суради: “Бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодий билимларни кўпроқ беришимиз мақсадга мувофиқдир”<sup>23</sup>.

Бозор муносабатларига ўргатадиган иқтисодий таълим тизимларининг халқаро андозалари ва моделлари мавжуд. Улар 1996 йилда Юнеско томонидан эълон қилинган “Жаҳондаги олий таълим тизимлари маълумотномаси”да ўз ифодасини топган. Умуман, олганда, тараққий этган давлатларда иқтисодий таълимнинг асосий икки модели мавжуд:

1. Иқтисодий таълимнинг инглизча-америкача тизими.

2. Иқтисодий таълимнинг немисча-русча тизими.

Иқтисодий таълимнинг инглизча-америкача тизимида у, иқтисодий таълимни эгаллашнинг кўп даражалилигига ва хилма-хиллигига асосланган. Бу тизимда ҳам академик ҳамда касб-хунар таълими таклиф этадиган таълим муассасаларининг кенг тармоғи мавжуд.

Иқтисодий таълимнинг немисча-русча тизимида олий иқтисодий таълимни бир даражада эгаллашга асосланади. Унда ўқув режалари ва бозор учун мутахассислар тайёрлаш дастурларига жиддийроқ талаблар қўйилади. Шу билан бирга иқтисодчилар тайёрлашда японча тизим ҳам муҳим хусусиятларга эга. Технология ва менежмент соҳасида чуқур билимлар бериш бу тизимнинг ўзига хослигини белгилайди.

---

<sup>23</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси.-Т.:Шарқ, 1999, 12-б.

Юқоридаги тизимлар бозор муносабатлари шароитида ишлай оладиган, иқтисодий билимлари чуқур шаклланган мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси чуқур, кенг қўламли ислохотларни амалга оширар экан, узлуксиз иқтисодий таълим тизимини шакллантиришга биринчи даражали аҳамият бермоқда. Маълумки, Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида” ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури” фикримиз исботидир. Ушбу таълим тизимига оид ҳуқуқий ҳужжатлар бозор иқтисодиёти шароитида ишлай оладиган, иқтисодий билимларни чуқур эгаллаган, ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга иқтисодий билимларни шакллантиришда президентимиз Ислом Каримов асарлари ҳам муҳим манба сифатида ўрганилмоқда. Чунки, асарларнинг ҳар бири республикада олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни, ижтимоий- иқтисодий муносабатларни, ташқи ва ички иқтисодий алоқаларни тўла-тўқис намоён қилади ва кишининг иқтисодий билим даражасини оширишда асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий таълим бериш жараёни билан иқтисодий педагогика фани шуғулланади. Шу нуқтаи назардан иқтисодий таълимнинг мазмуни- иқтисодий илмий билим бериш орқали моддий олам жамият тараққиёти сабабларини очиб беришдир. Шундай экан, иқтисодий таълимнинг мазмун-моҳияти, унинг Ўзбекистон Республикаси учун аҳамияти Президентимиз илгари сураётган “янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш” ғояларида ўз аксини топади.

Иқтисодий таълимнинг мазмунига чуқурроқ

назар ташласак, иқтисодий педагогика фанининг иқтисодий таълим- тарбия, маълумот ҳамда иқтисодий кўникма, иқтисодий малака каби тамойилларига дуч келамиз. Буларнинг ичида иқтисодий таълим ва иқтисодий тарбия тамойиллари иқтисодий таълимнинг мазмун-моҳиятини очиб беради.

Иқтисодий тарбия ўқувчиларда тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб ва ҳ.к.лар ҳақида фикрлай олиш қобилиятини камол топтириш демакдир. Иқтисодий тарбия тушунчаси ўсиб келаётган ёш авлодда ҳосил қилинган иқтисодий билимлар асосида ақлий камолот, иқтисодий дунёқараш, инсоний эътиқод, бурч ва маъсулиятни жамиятимиз кишиларига хос бўлган ахлоқий фазилатларни яратишдаги мақсадни ифодалайди. Шу маънода иқтисодий тарбия деб - иқтисодчи тарбиячи ўзи хоҳлаган сифатларни тарбияланувчилар онгига сингдириши учун уларнинг руҳиятига маълум таълим ва иқтисодий маълумот натижаларини ўзида акс эттиради.

Иқтисодий таълим - махсус тайёрланган иқтисодчи тарбиячи (педагог)лар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни иқтисодий билим, кўникма ва иқтисодий малакалар билан қуроллантирадиган, иқтисодий билим қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг иқтисодий дунёқарашини таркиб топтирадиган жараён дир.

Иқтисодий маълумот - иқтисодий таълим-тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган иқтисодий билим, ҳосил қилинган иқтисодий кўникма ва иқтисодий малакалар ҳамда шаклланган иқтисодий дунёқарашлар мажмуидир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий

тафаккурга эга бўлган ҳар бир инсон, *биринчидан*, кишилар мулкдан маҳрумлик ҳолатидан мулкка эгалик ҳолатига кўчишлари, мулкни бемалол ва самарали тасарруф қила олишлари, уларга боқимандалик кайфиятидан қутилиб, ўз ижтимоий-иқтисодий аҳволларига ўзлари масъулликларини англашиш, иқтисодий ҳаётда кучли рақобат кураши бўлишини тан олган ҳолда ана шу рақобат курашида ютқазиб қўймаслик, саросимага тушмаслик, бундай кураш шароитида ишлай олиш қудратини кўрсатишдир; *иккинчидан*, шахсий меҳнатига, тадбиркорлигига, эпчиллиги ва хушёрлигига боғлиқ эканлигини идрок қила олишидир; *учинчидан*, ўз меҳнати ва қобилиятини қаерга, нимага, қанчага сарфланишини, бундан унга қанча фойда-ю, қанча зарар келишини олдиндан ҳисоб-китоб қила олиши кабилар иқтисодий билимларни талаб қиладиган омиллардан ҳисобланади.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, иқтисодий билимлар иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг кучли омилига айланмоқда.

Президент И.Каримов Хоразм вилояти халқ депутатлари кенгашининг учинчи сессиясида қилган маърузасида қуйидаги вазифани илгари сурди: “Бозор муносабатларига ўтиш даврида талабаларга иқтисодий билимларни, маркетинг, менежмент, бизнес соҳасида бизнинг иқтисодий ривожланишимизда бу тушунчаларнинг моҳияти ва роли борасида кўпроқ билим беришимиз мақсадга мувофиқдир”<sup>24</sup>.

Иқтисодий таълим тамойилларини ўқитишнинг моҳияти, иқтисодий таълимнинг томонлари: мазмуни,

---

<sup>24</sup> Каримов И.А. Хоразм вилояти Халқ депутатлари сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 1994.

усуллари, ташкилий шакллари белгилаб берувчи дастлабки омилдир. Иқтисодий педагогикада иқтисодий таълим тамойиллари иқтисодий тарбия билан узвий диалектик боғлиқликда бўлиб, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятлари хусусиятларини психология ва социология маълумотларига асосланиб ҳисобга олади.

Олий мактабларда ҳам, бошқа ўқув юрглари каби, иқтисодий таълим дидактик тамойиллар асосида олиб борилади. Иқтисодий педагогикада ишлаб чиқилган дидактик тамойиллар олий мактабларда талабаларнинг психофизик хусусиятларига қараб олиб борилади. Олий мактабларда ўқитиш дидактикасида асосан қуйидаги тамойиллар (принциплар) қўлланилади:

- таълимнинг тарбиявий характердалиги;
- фаоллик ва онглилик;
- илмийлик, тушунарлилик;
- системалилик, кўргазмалилик;
- ўқувчиларга дифференциал муносабат;
- назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги.

Диалектик тамойиллар иқтисодий таълимнинг мақсадларидан келиб чиқади ва ўқув материални ўзлаштиришнинг муайян қонунларини акс эттиради. Ана шу асосий қонунлар дидактикада иқтисодий таълим тамойиллари деб аталади.

#### **4-§. Ўзбекистон иқтисодиётида фан — техниканинг ривожланиши**

Давлат сиёсатидаги донишмандлик - тараққиёт ва фаровонликни таъминлашга қаратилган саяё - ҳаракатлар, тадбирларнинг аниқлигида ва изчиллигида намоён бўлади.

Давлат раҳбарининг донишмандлиги - мамлакат тараққиёти, халқининг тинчлигини ўзига бош мақсад қилиб олиб, уни собитқадамлик билан амалга оширишда кўзга ташланади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда кейинги ўн йил ичида фан-техниканинг ривожланиши бевосита юртбошимиз, иқтисодчи олим И.А.Каримов шахси билан боғлиқдир.

Республикамызда фан-техниканинг ривожланишини Ўзбекистон қўлга киритган: сиёсий соҳадаги; иқтисодий соҳадаги; маънавият соҳасидаги ютуқлари билан боғласак мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, И.Каримов Олий Мажлис XIV сессиясида қилган маърузасида мустақил Ўзбекистон давлатчилиги тажрибасини, бошқарув тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини бутунлай янги фикрлар билан бойитди.

Мазкур сессияда қилинган маъруза босиб ўтилган ўн бир йиллик йўлимизнинг якуний хулосаси ва тўпланган тажрибалар ҳамда мавжуд имкониятлар нуқтаи назаридан янги юз йилликдаги тақдиримиз стратегияси бўлди. Ўзбекистон ҳукумати ўз олдига янги асрдаги фаолиятининг асосий тамойиллари, ички ва ташқи сиёсатининг бош йўналишларини белгилаб олди, яъни:

-биринчи йўналиш - мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш;

-иккинчи йўналиш - жамият маънавиятини янада юксалтириш;

-учинчи йўналиш - кадрлар масаласи;

-тўртинчи йўналиш - халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш;



-бешинчи йўналиш - иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш;

-олтинчи устувор йўналиш - жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз даҳлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.

Шуни ҳам унутмаслик керакки Ўзбекистонда фан-техниканинг ривожланиши юртбошимиз белгилаб берган, ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимизни белгиловчи ва таъминловчи бош тамойил негизида бормоқда, жумладан:

-биринчи тамойил - иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги;

-иккинчи тамойил - давлат бош ислоҳотчи;

-учинчи тамойил - қонунлар устуворлиги;

-тўртинчи тамойил - аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш;

-бешинчи тамойил - бозор иқтисодиётига босқичма босқич ўтиш.

Мамлакатдаги иқтисодий ривожланиш жараёнлари, бевосита иқтисодий соҳада эришилган ютуқлар билан боғлиқ. Ҳаётнинг ўзи, кейинги йилларда жамиятимизнинг барча соҳаларида, энг аввало, иқтисодиётда рўй берган ўзгаришлар, Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти асосларини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар умумий йўналишни амалга оширишга бўлган босқичма-босқич, изчил, пухта ўйланган ёндашувнинг афзаллигини ишончли тарзда исботламоқда. Шу нуқтаи назардан, ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилди.

Маъмурий-буйруқбозлик тизими тартиботлари ва тузилмаларига барҳам бериб, институтда қайта

куришларни амалга ошириш, бир томондан, мустақил суверен давлатга мувофиқ келадиган, иккинчи томондан, иқтисодиётни ташкил этишнинг бозор тамойилларига хос бўлган тузилмаларини яратилди.

Тармоқ вазирликларини тугатиш, давлат мулки ҳиссасини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳисобига кескин камайтириш, кўп укладли иқтисодиёт ва уни бошқариш тузилмаларини яратиш каби амалга оширилмоқда.

80-йиллар охиридаги чуқур иқтисодий таназзулни босиб ўтиш, собиқ шўролар ҳудудидаги биринчи мамлакатлар қаторида макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш ва барқарор иқтисодий ўсиш учун замин яратилди. Жумладан, республика макроиқтисодий барқарорликка биринчилардан бўлиб эришди. 1996 йилдаёқ ялпи ички маҳсулот 1,7 фоиз, 1997 йилда 4,4 фоиз, 1998 йилда эса 5,2 фоиз кўпайди. 1991 - 1998 йиллар мобайнида аҳоли йилига 1,6-2,3 фоиз даражасида ўсиб боргани кузатилди. Ўзбекистон 1990 йил даражасига нисбатан саноат ишлаб чиқариши ҳажмини оширишга эришган ягона мамлакатдир, у 1998 йилда 110,4 фоизни ташкил қилди. Охириги уч йил ичида бюджет камомати ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизидан ошгани йўқ.

Мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига кенг кўламда қўшилишини таъминлашга йўналтирилган иқтисодиётни чуқур таркибий қайта куриш дастурини амалга оширишга киришилди. 1998 йилда нефть ва газ конденсати ишлаб чиқариш 1990 йилдагига нисбатан 3 баробар ошди. Нефть экспорти 1992 йилдаги 270 минг т.дан 1998 йилда 912 минг т.гача ёки қарийб уч баробар ошди. Республикада пахта экинларини

камайтириш ҳисобига дон мустақиллигига эришилди. 1998 йилда дон ишлаб чиқариш 4,15 млн. т.ни ташкил қилди. 1997-1998 йилларда Ўзбекистонда капитал сармоялар йилига 17 фоизга ўсиб борди.

Бозор инфратузилмаси асослари ва замонавий икки даражали банк тизими яратилиб, суғурта компаниялари, товар-ҳомашё биржалари, фонд биржаси, кўчмас мулк биржаси, бизнес фонд, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси кабилар фаолият олиб бормоқда.

Кучли ижтимоий сиёсат, аҳолининг муҳтож қатламларига мўлжалли ижтимоий барқарорликни, фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш каби азиз ишлар амалга оширилмоқда.

XXI аср арафаси ва унинг бошлангич йилларида амалга оширишимиз зарур бўлган устувор йўналиш - бу, жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат. Жамият маънавиятини юксалтиришда асосан таълим-тарбия ислоҳотига эътиборни қаратмоғимиз лозим.

Таълим тизимини янгилашда энг аввало таълимнинг кенг демократлаштирилиши, инсонпарварлаштирилиши, шунингдек, таълим тизими тараққиёт қонуниятларига жавоб бера оладиган бўлишини тушунмоқ керак. Бу, ўз навбатида, шахснинг ижтимоий фаоллиги ва шахдамлигини ошириш учун шароит яратиб, меҳнат ва таълим-тарбия хизматлари бозорига тайёрлигини таъминлайди.

Республикадаги фан, маданият, таълим, тарбия соҳасидаги ютуқлар энг аввало, биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида” ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастур” ларининг қабул қилиниши билан ҳам боғлиқдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош йўналиши - давлат, жамият ва оила олдидаги масъулиятни англаб етадиган, мустақил фикрлай оладиган, ўз фикр ва мулоҳазаларини ҳимоя қила оладиган озод шахсни тарбиялашга қаратилгандир.

Шу маънода, “Таълим тўғрисида” ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ни бажариш ўз натижаларини бермоқда.

Умумий ўрта таълим йўналишида таълим тизими мазмунини таркибий қайта куриш ва тубдан янгилаш, таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Улар асосида ўқув дастурларининг янги авлоди яратилди.

Мазкур давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари 1998-1999 ўқув йилида 24 та, шунингдек, ҳудудий таълим бошқаруви органларининг буйруғи билан 322 та умумий ўрта таълим мактабида тажриба синовдан ўтказилди. 1998 йилда умумий ўрта таълим мактабларининг 5-6 синфлари учун 7 номдаги дарсликларнинг янги авлоди яратилди. Фақатгина 1998 йил давомида мамлакатимиз ҳудудларида 72945 ўринга мўлжалланган 181 мактаб ишга туширилди.

Ўрта-маҳсус, касб ҳунар таълим тури йўналиши бўйича 1998-1999 ўқув йилида тажриба тарзида ташкил этилган 14 та академик лицей ва 20 та касб-ҳунар коллежида 50 та давлат таълим стандарти синовдан ўтказилди. 1999 йилда ташкил этилган ўқув муассасалари учун 104 та йўналиш бўйича ўқув режалари тайёрланди ва экспертизадан ўтказилди.

1000 дан зиёд фан бўйича ўқув дастурлари

ишлаб чиқилиб, 1999-2000 ўқув йилида синовдан ўтказилди.

Умуман олганда, ислохот йилларида фақатгина ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун бакалавриятнинг 86 та янги муҳандислик-педагогик йўналишлари бўйича 50 минг нафардан ортиқ педагогик кадрлар тайёрлаш режалаштирилган.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг қурилиши жиддий назорат остида. Жумладан, 1999 йилда 117 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаси ишга туширилди, 109 таси қайта ташкил этилди.

2000 йилда янги 174 та коллеж ва 13 та академик лицей, бундан ташқари реконструкция қилиш орқали 109 та касб-ҳунар коллежи ва 7 та академик лицей барпо этилди. 2005 йилга келиб академик лицейлар сони 181, коллежлар сони 1611 тага етказиш имконини беради ва ушбу таълим тури бўйича 1,6 миллион талаба ўқиш имкониятларини яратади.

Олий таълим йўналишлари бўйича бакалавриятнинг 251 йўналиши бўйича янги ўқув режалари ва дастулари ишлаб чиқилиб, жорий этилди. “Устоз” жамҳармаси орқали 1998 йилда 71 нафар ўқитувчилар чет элларда ўқиб қайтдилар. 980 нафар ўқитувчи жамгарманинг Тошкентдаги, “Ахборот ресурс” марказида чет эл мутахассислари жалб этилган ҳолда ўз малакасини оширди. Мазкур марказда 1999 йилнинг олти ойи мобайнида 792 нафар ўқитувчи қайта тайёргарликдан ўтди.

Демак, юқоридаги қисқа муддат ичида амалга оширилган ишлар Ўзбекистон Республикасининг кежалаги буюк бўлишидан далолат бермоқда.

## 5-§. Таълим тизимини ривожлантириш истиқболлари

Таълим жараёнининг илмий, назарий, услубий ва амалий асосларини, яъни таълим бериш, билим бериш, ўқитиш назарияси ҳамда педагогиканинг мустақил бўлиши билан дидактика шуғулланади. Маълумки, таълимнинг асосий мақсади ва вазифаси - шахсни илмий билимлар, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришдан иборат. Таълим инсон билиш фаолиятининг бир тури сифатида бир неча маънони билдиради. Яъни: таълим олувчиларда билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларда дунёқараш, фикр ва эътиқодни шакллантириш ҳамда уларнинг қобилиятларини ўстиришдан иборат. Шу маънода таълим жараёни таълим мазмуни негизида ташкил этилади.

Таълимнинг асосий мазунини унинг вазифалари ойдинлаштиради. Асосий вазифаларга ақлий тарбия билан боғлиқ бўлган вазифалар киради. Улар илмий ва техникавий билимлар ҳамда улар билан боғлиқ бўлган малака ва кўникмалар билан қуроллантириш, аждодларимиз қолдирган тарихий ва маданий қадриятларда, ҳаётнинг маъноси, жамиятда инсоннинг тутган ўрни, таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи ҳақидаги ҳикматли фикрлар бор. Улар бугунги таълим тараққиёти ва миллий мактаб яратиш борасида ёшларимизда инсонпарварлик, поклик, имон-эътиқод, мурувват, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, миллатлараро дўстлик муносабатлари, қаҳрамонлик, мардлик каби туйғуларини тарбиялайди.

Янги демократик жамият қуриш, таълимнинг мазмунини белгилашда жамият эҳтиёжларидан келиб

чиқиб ва қуйидаги:

-илмий билимларнинг етакчи роли тўғрисидаги қоида, инсониятнинг маданий-маърифий мероси бойликларини, умуминсоний қадриятларни эгаллаб олиш ҳақидаги “Миллий дастур” кўрсатмаларига;

-тарбияланувчи шахсни баркамол авлод қилиб ривожлантириш, имон-эътиқодини, илмий дунёқарашини таркиб топтириш, илмий ҳаёт билан, янги демократик жамият қурилиши тажрибасининг боғлиқлиги ҳақидаги қоидага;

-таълимнинг бир мақсадга қаратилганлиги ҳамда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларига ва дидактик тамойилларга мувофиқлигига амал қилинади.

Шу нуқтаи назардан таълим мазмунининг тузилиши қуйидаги тамойилларга асосланади:

1) Таълим мазмунининг давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўналишларига боғлиқлик тамойили.

2) Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тамойили.

3) Фанлараро комплекс алоқалар тамойили.

4) Касбларга йўналтириш тамойили.

5) Таълим мазмунини танлашда устувор ва ўзгарувчан қисмларга бўлиб танлаш тамойили.

6) Таълим мазмунини унификациялаш ва табақалаштириш тамойили.

Янги демократик жамият қураётган республикамизда таълимнинг мазмуни қуйидаги йўллар билан такомиллаштиришни назарда тутади:

-фан ва тажрибадаги энг янги муваффақиятларни акс эттириш;

-иккинчи даражали ва ортиқча

мураккаблаштирилган материалдан қутилиш;

- ўрганилаётган фанлар рўйхатини ва материаллар ҳажмини аниқлаш ҳамда ўқувчи-ёшлар, албатта, ўзлаштириб олиши керак бўлган малака ва кўникмаларнинг қулай ҳажмини белгилаш;

- ўқув фанларига оид асосий тушунчаларни ва етакчи гоёларни жуда ҳам аниқ баён қилиш;

- ўқувчиларнинг педагогик технологиялар: компьютер, электрон почта, бошқа билимлар билан қуроллантириш ва шу технологиялардан фойдаланиш кўникмалари ҳосил қилиш.

Ўқувчилар ҳозирги шароитда ижтимоий фойдали меҳнат жараёнига тайёр бўлмоқлари керак. Мактабданоқ уларнинг ишлаб чиқаришнинг барча жабҳалари тамойилларидан маълум даражада воқиф этмоқ лозим.

Таълим мазмунининг марказий компоненти ўзида гоёларнинг энг мақбул мажмуасини энг умуминсоний қадрияларни мужассамлаштириши зарур, яъни таниқли руҳшунос олим Л.С.Виготский жамият тараодиётидан илгарилаб кетган таълимгина самарадорли бўлиши мумкинлигини таъкидлаган эди.

Ўзбек халқининг ўзига хослигини, унинг этномаданий, этнопсихологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда умумий маданиятни шакллантириш лозим. Омилкорлик ва ижодий талабни шакллантириш. Халқ педагогикаси ва жаҳон педагогикаси воситалари ҳамда бойликларидан фойдаланган ҳолда ўқувчилар тафаккурини эркинликка чақириш, уни такрорлашдан янгисини яратишга ўргатиш керак. Ўқувчиларга оммавий педагогик фикрлашни ўргатиш, ибтидоий педагогик билимлар бериш лозим.

Демак, таълим мазмуни қурилишининг бош



мақсади - болалар кўз ўнгида дунё илмий манзарасини очиб бориш, унинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, уларни ҳаётга тайёрлаб боришдан иборатдир. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида таълим қўйидаги турларда амалга оширилади:

1. Мактабгача таълим.
2. Умумий ўрта таълим.
3. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими.
4. Олий таълим.
5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим.
6. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.
7. Мактабдан ташқари таълим.

Таълим мазмуни ҳам бир мажмуа бўлиб, таълим жараёнидаги ўзгача элементлар билан билвосита боғлиқ: ўқув-дастурий ҳужжатлар, ўқув режаси, дарслик, ўқув қўлланмалари шаклида мавжуд бўлади. Ўқув-дастур ҳужжатларини тузиш, белгилаш ўқув тарбия жараёнини педагогика ва услубий назария билан боғлайдиган элемент ҳисобланади. Таълим мазмунини танлаш ҳозирги босқичма-босқич ўқитишни ташкил қилиш шариоатида алоҳида аҳамиятга эга, чунки бу ерда ўқув дастур ҳужжатлари ҳар қайси йўналишга (бакалаврият, магистратура, лицей-коллеж) алоҳида-алоҳида тузилади.

Ўқув-режаси - муайян ўқув юртида ўрганилаётган ўқув предметлари айтиб ўтиладиган, уларни ўқув йиллари бўйича ўтиш изчиллиги ҳамда бир ўқув йилига ёки ҳар бир ҳафтага ажратиладиган соатлар сони кўрсатиладиган давлат ҳужжати ўқув режаси деб айтилади.

Ўқув предмети - ўзига тегишли фан асосларини

мужассамлашгирган бўлади. Фан – асосий тушунчалар системасини, улардан келиб чиқадиган асосий қоидалар, натижаларни ифодалашнинг сўз ва символик воситаларини ўз ичига олади. Ўқув предмети тегишли фандан асосий қоидаларнинг ифодланиши билан фарқ қилади. Унда натижа хулосалари унчалик берилмаган, тушунарлиликнинг дидактик тамойили ва шуғулланувчиларнинг ёшларини ҳисобга олиш зарурлиги билан белгиланадиган бошқа фарқлари ҳам бор. Бироқ бу фан маълумотларини қисқартирилган ёки соддалаштирилган ҳолда бериш эмас, балки уларни ўқув жараёнига мувофиқ равишда педагогик жиҳатдан қайта ишлашдир.

Ўқув дастури - худди ўқув режаси каби давлат хужжати бўлиб, унда ҳар бир ўқув предметининг мазмуни очиб берилади ва ўқув йилида ўзлаштирилиб олиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми кўрсатиллади.

Дастурлар маълум бир турдаги ҳамма мактаблар учун ягона, унинг тўла ҳажмда бажарилиши мажбурий. Бу энг муҳим қоида бўлиб, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтганда маълумот олишни тўхтамасликка имкон беради.

Дастур тушунтириш хати, бўлим ва мавзулар бўйича тахминий соатлар ҳисоби, дастур материаллари ва тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлади.

Махсус равишда ўқувчилар учун ёзилган китоб, дарслик деб аталади. Унда ўқув дастурининг барча материаллари батафсил ва изчиллик билан очиб берилади. Дарсликнинг характерли хусусияти - бу унинг мазмуни дастурга мос келишидир. Материал бўлимлар бўйича тақсимланади. ҳар бир мавзу алоҳида бобни

ташқил этади. Унга киритилган мисоллар эса параграф шаклида берилади. Шу билан бирга ҳар бир алоҳида қисм мустақил сарлавҳаларга эга бўлиб, бу ўрганилаётган мавзунинг асосий қисмларини тўғри тасаввур этишга ёрдам беради.

Дарсликларда фикрлар лўнда қилиб ифодаланиши, материал эса тушуниш учун осон формада баён қилиниши керак.

Демак, юқоридагиларга мисоллар келтириш мумкин; яъни академик лицейлар учун қўйидаги ўқув режалари тавсия этилган. Унга кўра жами 25 фан бўйича соатлар семестрларга тақсимланиб кўрсатилган. Биргина мисол, “Иқтисодиёт назарияси асослари”га жами 160 соат ажратилган бўлиб, бу курс асосан академик лицейларнинг 2-курсидан ўтилади. ҳар бир семестр учун соатлар 40 соатдан берилган.

Маълумки, биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясида (1997 йил 29 август) “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинган эди. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистондаги таълим тизимини ривожлантириш истиқболлари, шу яратилган ҳуқуқий ҳужжатларга бориб тақалади. Яъни Ўзбекистонда таълим тизимининг истиқболи қонун ва дастурни қанчалик амалга оширилиши даражасига боғлиқ бўлади.

Қонуннинг 9-моддасида таълим тизими ҳақида сўз боради, яъни унда: “Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир”. Узлуксиз таълим мавжуд экан қонуннинг 10 моддасида унинг турлари ҳақида сўз боради, яъни мактабдаги таълим, умумий ўрта таълим, ўрта-махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари

таълим.

Юқоридаги таълим тизимини, яъни узлуксиз таълимни ривожлантириш истиқболларини белгилашда таълим жараёнини инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш ва демократиялаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Таълимни инсонпарварлаштиришнинг асосий йўналишлари таълим олувчиларнинг қобилият ва истеъдодларини ҳар томонлама очиш, миллий ва умумбашарий ғоялар ҳамда қадриятларни сингдириш, шахс, жамият ва атроф муҳит муносабатларини уйғунлаштириш, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги алоқа сермазмун анъана: “Устоз-шогирд” муносабатлари доирасида бўлишига эришишдан иборат.

Таълимни ижтимоийлаштириш таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни, юксак даражадаги маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни, шахсни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтиришга устуворлик берган ҳолда таълим ва касб дастурларининг мазмунини қайта кўриб чиқишини тақозо этади. “Мантиқ”, “нутқ маданияти” ва “нотиқлик санъати”, “жаҳон санъати тарихи”, “жаҳон динлари тарихи”дан иборат махсус курсларни жорий этиш, таълим жараёнини ижтимоийлаштириш доирасидаги ёндашувлардан биридир.

Таълимни демократиялаштириш жараёни таълим муассасаларида ўзини ўзи бошқарув шаклига ўтишни фаоллаштиришни, ўқув юртларининг таълим тарбия услубларини танлашда мустақилликни кенгайтиришни тақозо этади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ушбу вазифалар ўз ўрнини топган. Бу йўналишда жамоат ташкилотлари, айниқса ёшлар ва болалар тарбияси билан боғлиқ муассасаларнинг роли кучайтирилиб

борилиши талаб қилинади.

Мактаблар, лицейлар, коллежлар ва олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнини ташкил этишга илғор ўқув дастурларини, маросимлар, байрам тадбирларини, урф-одатларни, педагоглар ва ўқувчиларнинг “педагогик ҳамкорлик”ка асосланган янги муносабатларини сингдириб бориш лозим бўлади.

## **6-боб. ТАЪЛИМНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ**

### **1-§. Таълим шакллари ҳақида умумий тушунча**

Маъруза - билим беришнинг шундай шаклики, унда педагог (ўқитувчи) томонидан ўрганилаётган билимлар, малакалар, кўникмалар талабаларга ёппасига баён этилади. Маърузалар баён этилиш жойига қараб ҳар хил бўлиши мумкин, яъни тегишли фанларга оид (иқтисод, маркетинг, менежмент, тадбиркорлик, ҳуқуқ, иқтисодий информатика ва ҳоказо), ижтимоий характерга эга маърузалар, техника-технологияларга оид маърузалар, илмий педагогик марказлар, бадий ижодиётга оид маърузалар (адабиёт, санъат), диний дунёвий маърузалар ва бошқалар. Биз учун ҳозирда иқтисодиёт фанларига оид маърузалар характерлидир.

Маъруза баён этилиш жараёнида унга қуйидаги талаблар қўйилади:

- берилаётган материаллар илмий характерга эга бўлиши;
- маъруза системали (тизимли) бўлиши;
- материаллар, маълумотлар талабалар кучига мос

ва хос бўлиши;

-маъруза сиёсий жиҳатдан талабга жавоб бериши;

-маърузада назарий масалалар амалиёт билан бевосита боғланган бўлиши;

-маъруза мавзуга оид Республикадаги ижтимоий-иқтисодий воқеа, ҳодисаларнинг энг сўнги статистик маълумотлари билан бойитилган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида “Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди” - дейилган. Шу билан бирга олий таълим талабаларни илмий тадқиқот ишларига ҳам ўргатади. Агар ўрта мактабнинг асосий вазифаси ўқувчиларни билим, малака ва иқтидор, шу билан бирга касбга йўналтириш билан шуғулланса, олий мактаб талабаларга илмий билим илмий малака, иқтидор бериб, мутахассис шахсини тарбиялайди. Шу билан бирга маълум фан бўйича илмий-тадқиқотчини ҳам тарбиялайди. Шу ўринда И.Каримов “Фанга истеъдодли ёшларни кириб келишини таъминлаш учун комплекс тадбирлар туркумини амалга ошириш зарур. Бу ўринда олий мактабнинг, ҳатто умумий таълим мактабларининг фаолиятларини тубдан қайта қуриш керак” - дейди.

Шу нуқтаи назардан олий мактабларда билимларни ҳозирги замон даражасида бериб бериш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирда олий таълим икки босқичдан иборат, яъни бакалаврият ва магистратура. Мана шу босқичларни амалга оширишда, аниқроғи, олий маълумотли етук мутахассис тайёрлашда иқтисодий билимларни беришнинг ташкилий шакллари қўлланилади.

Олий мактабларда ўқув ишлари ва билим беришнинг ташкилий шакллари “Таълим тўғрисида”ги

қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” га асосан олиб борилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда барча фанлар қатори иқтисодий таълим педагогикасида ҳам таълимнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- 1) Маъруза.
- 2) Амалий машғулот.
- 3) Семинар машғулот.
- 4) Курс иши тайёрлаш.
- 5) Амалиёт.
- 6) Диплом иши.

Маъруза - ўқув жараёнининг илғор усулларидан бири бўлиб, дастлаб у ўрта асрларда бирон бир китобни ўқиш ёки уни изоҳлаш йўли билан намоян бўлган. Жамият ривожланиши мобайнида оғзаки тушунтиришнинг бу усули XVIII асрда латин тилида амалга оширилган. XVIII аср ўрталарига келиб маърузалар рус тилида ўқий бошланди. Унинг илғор намояндalarидан бири М.В.Ломоносовдир.

Тарихан қараганда бозор иқтисодиётининг икки тури бор. Биринчиси асов ёки ёввойи бозор иқтисодиёти. Бундай иқтисод асл намунаси XVIII-XIX асрларда бўлган. Унинг қуйидаги белгилари мавжуд:

-якка эгаликдаги хусусий мулкнинг ҳукмрон бўлиши, мулкнинг озчилик қўлида тўплиниши;

-иқтисодиётнинг стихияли ўсиши, яъни иқтисодиёт бебош ва тартибсиз бўлиши;

-номаълум бозор учун кўр-кўрона товар ишлаб чиқариш. Товар сотилиши ва сотилмаслигининг номаълумлиги;

-рақобат кураши қонун қондасиз, террор, зўравонсизлик асосида бўлиши;

-тадбиркорлар ўртасида шерикчилик

алоқаларининг тасодифлиги;

- давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги;

- тартибсизлик натижасида кучли иқтисодий тангликлар келиб чиқиши, иқтисодий тўловларнинг юз бериши.

- кншиларнинг 2 табақа: бой ва камбағалга айланиб қолиши, улар ўртасидаги синфий курашлар.

Маълум вақтлардан сўнг бу иқтисодиёт ривожланиб, такомиллашиб маданиятлашган бозор иқтисодиёти таркиб топади. Унинг асосий белгилари ёввойи иқтисодиётда амал қилган белгиларнинг оксидир.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётига ўтишнинг 3 шакли мавжуд.

1. Фарб-Европа мамлакатлари ва бошқа ривожланган мамлакатлар йўли ёки классик йўл.

2. Мустамлакачиликдан озод бўлиб, мустақил тараққиёт йўлига ўтиб ривожланаётган Осиё, Африка ва Лотин Америка мамлакатлари йўли.

3. Собик социалистик мамлакатлар йўли.

Демак, бозор иқтисодиётига ўтишнинг уч йўли мавжуд экан. Бозор ислохотлари - бозор иқтисодиётини яратишга қаратилган, давлат томонидан, лекин халқ ишгирокида амалга ошириладиган иқтисодий чоратadbирлар тизимидир.

Ислохотларнинг асосий йўналишлари, мулкчиликни ислох қилиш, аграр (қишлоқ хўжалиги), молия-кредит ташқи иқтисодий алоқалар ҳамда ижтимоий (социал) ислохотларидан иборат.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг дастлабки шакли - натурал хўжалиқдир. Бу хўжалиқ ички эҳтиёжларни қондириш учун, хўжалиқ аъзоларининг истеъмоллари учун йўналтирилган ижтимоий хўжалиқларнинг илк



шаклидир. Аста-секин ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида товар хўжалиги пайдо бўлди.

Меҳнат тақсимоти - ягона меҳнатнинг мустақил аҳамиятга эга бўлган меҳнат турларига ажралиб бориши, меҳнат турларининг тўхтовсиз равишда янгидан пайдо бўлишидир.

Меҳнат унумдорлиги - инсоннинг вақт бирлигида маълум миқдорда маҳсулот ва хизматларни ярата олишидир.

Товар энг аввало ўз истеъмоли учун эмас, балки бошқа маҳсулотларга бозорда пул воситасида айирбошлашни яратиш меҳнат маҳсулидир. Ёки товар - яратишга маҳсулот ва хизматларнинг бозорда намоён бўлишидир.

Товар ишлаб чиқарувчилар якка (индивидуал) ва жамоа ишлаб чиқарувчилардан иборат бўлади. Товарда гавдаланган меҳнат унинг қийматини вужудга келтиради.

Қиймат ҳақида гап кетганда кўп иқтисодчилар назариялари ҳар хиллигини кўриш мумкин. Инглиз иқтисодчиси Д.Макмод фикрича “талаб ва таклиф оралиғида ягона нарх дастаги мавжуд қиймат деб аталади”.

Австрия иқтисодчиси Е.Бем-Баверк қуйидагича фикрни беради “буюмнинг нархи, бу буюмнинг фойдалилиги билан белгиланиши керак, яъни товарнинг қиймати бевосита буюмнинг нафлилигидан келиб чиқади”.

Товар қиймати манбаи меҳнат. Буни биринчи бўлиб инглиз иқтисодчиси В.Петти асослаган. Унинг фикрича “Қийматнинг ҳажми бевосита унга сарфланган

меҳнатнинг миқдори билан белгиланади”.

Шу нуқтага назардан товарнинг икки хусусияти мавжуд: бир томондан, товар сотиш учун яратилган меҳнат маҳсули, иккинчи томондан, бирон бир эҳтиёжни (кийим-кечак, пойафзал нон, туз, уй-жой) қондирадиган нарсадир. Иқтисодиёт илмида биринчи хусусият қиймат, иккинчи хусусият истеъмол қиймати деб аталади. Демак, қиймат ва истеъмол қиймати товарнинг икки хусусиятини юзага чиқаради.



1-чизма. Қиймат тури

Бозор иқтисодиётининг *ютуқлари*:

Ишлаб чиқариш ресурслари тўғри тақсимланиб, қисқа ахборот асосида ишлаб чиқариш самарали ташкил этилади. Ишлаб чиқарувчилар баҳо билан ҳаракатни билган ҳолда самарали иш олиб борадилар. Талабга кўра ишлаб чиқариш тезда ўзгариб боради.

Фан-техника тараққиёти ишлаб чиқаришга тезда жорий этилиб, истеъмолчи ва тадбиркорлар ишлаб чиқаришда эркин ҳаракат қиладилар. Барча ишлаб чиқарувчилар маҳсулот сифатини оширишга ҳаракат қилганлари ҳолда рақобат муҳим ўрин тутиб даромадлар чегараланмайди.

*Камчиликлари*:

Атроф-муҳитни ҳимоя қилишни иқтисодий

механизми йўқ. Фан-техника ютуқларини татбиқ қилишда, унинг оқибатлари инобатта олинмай, меҳнат қилиш, даромад қилишга кафолат берилмайди. Бозор иқтисоди зарурий маҳсулот ишлаб чиқариш эмас, балки пули борнинг талабини қондиришга ҳаракат қилади. Ҳар ким пул топиш учун, ўз имкониятларини ишга солишга тайёр.

Семинар - талабаларнинг маърузада олган илмий-назарий билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш мақсадида ташкил этилган таълим шаклларидан биридир. Маълумки, семинар ва маъруза машғулотлари давлат андозаларида белгиланган, олий ўқув юртлари ўқув режаларида қайд этилган режаларга асосан ташкил этилади. Шу нуқтаи назардан семинар машғулотлари маълум бўлим ёки бирор мавзунинг маъруза баёни яқунлангандан сўнг ўтказилади. Семинар машғулотига тайёрланиш талабалардан катта масъулиятни талаб этади. Жумладан, талабалар семинар дарсларига тайёргарлиги давомида мустақил ўқишлари, керакли адабиётлар билан ишлашлари, рўзнома ва журналлардан фойдалана билишлари ва бошқа мавзуга оид манбаларни излаб топишлари, уларни ўзлаштиришлари керак бўлади. \* Семинар машғулотларига ҳам, маълум даражада маърузага қўйиладиган талаблар қўйилади.

Мустақил иш - бу талаба учун ўқитувчи томонидан берилган топшириқни бажариш тушунилиб, унинг мазмунини, ижтимоий - иқтисодий моҳиятини ёрита билишига айтилади.

Мустақил ишлар туркумига қуйидаги: назоратларга тайёрланиш, рефератлар ёзиш, курс ишларини тайёрлаш, диплом лойиҳаларига тайёргарлик, олий ўқув юртларида ўтказиладиган семинарларга

рахбарлар иштирокида тайёргарлик кабиларни киритиш мумкин. Талаба мустақил ишларни бажариши олий мактаб педагогикасининг муҳим вазифаларидан бири десак муболаға бўлмайди. Чунки талаба мустақил иш тайёрлаш жараёнига ижодий ёндошади. Адабиёт, журналлардан, газеталардан, оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланишга ўрганиб, мустақил иш сифатида берилган топшириқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти туб илдизини очиб беришга интилади ва бу интилиш талаба шахсида илмий ишларга бўлган қизиқишини орттиради. Келажакда илмий ходим, олим даражасига чиқиш имкониятларига замин яратади.

Амалий машғулот - ўқув ишларининг мантиқий давоми бўлиб, бу термин талабаларнинг мустақил аудитория ишларининг умумий тушунчаси ҳисобланади. Амалий машғулотларда машқлар ишлаш, лаборатория ишларини ўтказиш, ҳар хил илмий тажрибаларни ўтказиш кабилар амалга оширилади. Билим беришнинг бу шаклида маърузаларда олинган назарий билимлар бевосита амалиёт билан боғланади ва ўқувчилар томонидан тажрибалар амалга оширилади.

Курс иши - олий мактаб ўқув режасида қайд қилинган таълим беришнинг шаклларида бири. Курс ишлари бирор фаннинг назарий курси ниҳоялангандан сўнг амалга оширилади. Таълим беришнинг бу тури талабаларнинг илм олиш даврида олган билимларини янада мустаҳкамлаш, назарий билимларини қанчалик амалиёт билан боғлай олиши негизида пайдо бўлади. Курс иши тайёрлаш жараёнини бевосита мустақил ишлар таркибига киритиш мумкин. Курс иши ҳам ўқув режасида киритилган бўлади.

Амалиёт - таълим шаклларида яна бири бўлиб,

унда талаба олий ўқув юртида олган назарий билимларини бевосита амалиётга тадбиқ этади. Бу жараёнда амалиётчига албатта ўша амалиёт ўтилаётган пайтдан ва олий ўқув юртидан илмий раҳбарлар тайёрланади. Амалиёт, талаба учун келажак иш фаолиятида илк қадамлар бўлиб ҳисобланади. Чунки, мана шу амалиёт давомида амалиётчи, яъни талаба олий ўқув юртида олган билимларини қанчалик амалиётга қўллай олишини ўз нуқтаи назаридан ҳам баҳолайди ва бу орқали унда келажagini тасаввур қилишга имкон яралади. Шунини ҳам айтиш керакки, амалиёт ҳам маълум ҳафта давомида белгиланган бўлиб, олий ўқув юрти ўқув режасида киритилган.

Диплом иши - бу олий ўқув юртида олган билимларнинг натижаси, илмий изланишларнинг бошланғич кўриниши бўлиб, таълим беришнинг бир шакли сифатида намоён бўлади. Диплом иши бир мутахассисликнинг талаба томонидан тамомланаётган, шу мутахассислик раҳбари билан бирга тайёрланадиган ва ўқув юрти ўқув режасида қайд қилинган таълим бериш шаклларида ҳисобланади.

Умуман олганда барча олий мактабларда таълим беришнинг ташкилий шакллари амал қилар экан, уларга бир қатор талаблар қўйилади.

- берилаётган материаллар илмий бўлиши билан бирга маъруза, амалий машғулот, семинар машғулотлари системали ташкил этилишилозим;

- берилаётган маълумотлар, материаллар талабалар ёшига мос бўлиб, сиёсий жиҳатдан тўғри ва назарий масалалар амалиёт билан боғлиқ бўлиши керак;

- маълумотларда энг сўнгги материаллар, билим беришнинг ташкилий шакллари амалга ошириш

жараёнида эса И.Каримов асарларидан, оммавий ахборот воситалари материалларидан унумли фойдаланганлик даражаси талабга жавоб бериши лозим.

Юқоридаги қайд қилинган талаблар асосида иқтисодий педагогика курсида илмий ишлар (курс иши, диплом ишлари, диссертация) қуйидагилардан келиб чиқиб амалга оширилиши мумкин:

1) иқтисодиёт билан педагогиканинг узвий боғлиқлиги;

2) тажриба муассасаларида иқтисодий муаммоларни ўқитишнинг назарий асосларини яратиш;

3) иқтисодий муносабатлар тизимини ўқитишнинг шаклларини асослаш ва таҳлил қилиш;

4) иқтисодий муносабатлар тизими воситаларини ва усулларини белгилаш;

5) илғор иқтисодчи, илғор педагогларнинг иш тажрибаларини умумлаштириш ва ўзлаштириш;

6) жараёнларни ўқитишда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш.

Юқоридаги кўрсаткичларни амалга оширилишини таъминлаган ҳолда иқтисодий педагогика илмий ишларни режалаштиришда қуйидагиларга эътибор берилиши зарурлиги назарда тутилади:

1. Иқтисодий педагогика фанининг предмети, мақсад, вазифаларини аниқлаш.

2. Иқтисодий педагогиканинг категорияларини тушунтириб, унинг қонуниятларини таҳлил қилиб ўрганиш.

3. Иқтисодчи-педагог шахси, унинг касбий ва ақлоқий сифатлари таҳлили.

4. Иқтисодий педагогикани ўқитиш шаклларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

5. Иқтисодий педагогика фанининг илмий

текшириш методи ва методологиясини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

6. Иқтисодий педагогикани билимларини рейтинг йўли билан баҳолаш ва таҳлил қилиш.

7. Иқтисодий педагогикани тарбиявий имкониятларини аниқлаш ва таҳлил қилиш.

## 2-§. Талабалар билимини оширишнинг рейтинг усуллари

Мутахассислар тайёрлашда талабалар билим, малака ва иқтидорларининг шаклланиш жараёнини назорат қилиш муҳимдир. Тўғри ташкил этилган назарий талаблар, олинаётган билимларини янада чуқурлаштириш ва энг асосийси уларнинг шахсий хусусиятларини ривожлантириш учун турли воситаларни танлаш имконини беради.

Ўқув-тарбия жараёнида билим, иқтидор ва кўникмалар шаклланганлигини назорат қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, назорат қуйидаги функцияга эга.

1. Назоратнинг диагностик функцияси. Назорат натижасида билан, иқтидор ва кўникмаларнинг шаклланганлик даражаси аниқланади.

2. Назоратнинг талабаларда билим олишга иштиёқни ўстириш функцияси.

3. Назорат жараёнида талабаларнинг шахсий хислатлари шакллантирилади ва ривожлантирилади.

4. Таҳсил функцияси.

5. Назоратнинг тарбиявий ва баҳолаш функцияси.

7. Назоратни талабаларда билимга қизиқиш уйғотиш, жонли фикрлашга ўргатувчилик функцияси.

Назорат жорий, оралиқ, якуний каби 3 та турга эга. Назорат турли тестлар орқали амалга оширилади. Педагог олимлари И.Й.Турсунов ва У.Н.Нишоналиевларнинг маълумотларига қараганда тестлар орқали қуйидаги имкониятлар яратилади:

-талабалар назарий ва амалий билимларининг даражасини объектив шароитида аниқлаш имконини беради.

-бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ ёки кўп сонли талабалар билимини назорат қилиш мумкин;

-барча талабаларга бир хил мураккабликдаги саволлар берилиб ҳаммасига бир хил шароит яратилади;

-тест натижаларини ўқитувчи томонидан тезликда текшириш мумкин;

-турли гуруҳ талабалари билимини солиштириш қўлланилаётган методни самарадорлигини аниқлаш мумкин;

-таълим жараёнининг камчиликларини аниқлаш мумкин<sup>25</sup>.

Тест атамаси инглизча “*test*” - синов, текшириш, тадқиқот маъноларини билдириб, синалаётган шахснинг психофизиологик ва шахсий хусусиятларини, шунингдек, интеллектуал ривож, қобилияти ва малакасини текширишда қўлланадиган стандарт машқлар демакдир.

1993 йилда олий таълим тизимидаги ислохотларга кенг эътибор берилди. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг алоҳида йиғилишида таҳлил этилди. Мажлисни бошқарган Ўзбекистон

---

<sup>25</sup> Турсунов И.Й., Нишоналиев У.Н. Педагогика курси.- Т.: Ўқитувчи, 1997, 141- б.



Президенти кадрлар савияси ҳақида, олий ўқув юртларининг аҳволи ва уларнинг ишлаб чиқариш корхоналари билан муносабатлари ҳақида фикр билдиракан, тест тизимининг афзалликлари ҳақида шундай деганди:

Ўғил-қизларимизни ўқишга қабул қилишда тест усулининг қўлланиши ижобий қадам бўлди. Бу қинғир ишлар пайини қирқади, миш-мишларга чек қўяди, истеъдодли ёшларни танлаб олиш имконини беради. Бинобарин бу ишни янада такомиллаштириб бориш керак.

Вақт ўтгани сайин тест тизими такомиллашиб бормоқда ва энг асосийси унга ишонч ортмоқда.

Таълим тизимида адолат ўрнатилди. Ўзбекистон Президентининг бобокалонимиз Амир Темурнинг “Куч-адолатдадир”, деган ўғитига мос йўл тутганлиги боис оддий халқ кўнглида бу кунлардан ёрқин хотиралар қолди.

Педагогик услубий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида дидактик тестлар қуйидаги 2 гуруҳга ажратилди:

а) назарий билимларни назорат қилувча, малака ва қобилиятларни текширувчи ўзлаштириш тестлари;

б) реал, ўқув имкониятлари бўйича (Ю.Бабанский) диагностика тестлар ҳамда умумий ва махсус (масалан, микро ёки макроиқтисодиёт фани бўйича) ўқитиш тестлари.

Тестлар типологияси асосида топшириқларни танлаш, уларнинг тузилишида ўзаро алоқадорлик ва таърифлари қуйидаги омилларга боғлиқдир.

1. Тестларнинг фанлараро қўлланиш соҳаси.

- оралиқ назорат тестларида мавзулар, боблар бўйича билим ва ўзлаштириш элементларини текшириш;

- кўп мавзулар бўйича фанларнинг бир-бирига боғлиқлигини ҳисобга олган ёки олмаган ҳолда билим ва ўзлаштиришнинг чегаравий назорати;

- курс бўйича билимларни назорат қилиш (фан тести асосида фанлараро туркум тестларни ҳам яратиш мумкин).

Бу ҳолларнинг ҳар бирида фан топшириқларининг ўрни ҳақидаги саволлар ҳар хил қўйилади, маркетинг, молия, менежмент, солиқлар ҳақидаги интегратив билимлар ва ҳ.к.

2. Норматив тест тузилишининг умумий йўналиш бўйича мақсади ёки критериялар характердаги тестлардан фарқи шундаки, норматив тестларда йиғилган баллар ҳисоб натижаларига кўра бир гуруҳни бошқа гуруҳ билан, гуруҳ аъзоларини эса бир-бири билан солиштириш мумкин.

Критериялар тестларда эса ҳар бир ўқувчининг қандайдир ўқув ёки мутахассисликка оид топшириқларни ечиши учун зарур бўладиган билим ва ўзлаштириш қобилиятлари очиқ берилади. Яъни критериялар тестлар ва унга мос топшириқлар ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари аниқ фан соҳалари бўйича ўқитиш мақсадининг минимал талабларига қай даражада эришгани ёки эришмаганлиги ҳақидаги саволлар жавоб беради.

Норматив тестларда асосан топшириқни “ечди” ёки “ечмади” деб белгиланса, критериялар тестларда эса топшириқни қайсидир йўл билан ечган ўқувчиларни мураккаб қурилмали ишларга қўйиш мумкинлиги, уларнинг мураккаб дастурларда ўқишни давом эттира олишлиги ҳисобга олиниши керак.

3. Тестларнинг дидактик-психологик йўналиши қандай тест ишлаб чиқиладиганлигини ёки

адаптациядан ўтаётган тестни унинг муаллифи қандай характерлашини аниқлайди:

- назарий билимларни назорат қилиш учун ўзлаштириш тестлари;

- берилган фан (ўқув ва мутахассислик) бўйича билим ва малакаларини назорат қилиш тестлари;

- ўқитиш тестлари (маълум фан ёки унинг цикли бўйича ўқув имкониятларининг диагностикаси);

4. Назорат босқичлари бўйича йўналиш:

- кириш назорати - (олий ўқув юртига киришдаги ёки курсни, фан иқлимини ва ўқитиш босқичининг бошланишидаги назорат);

- кундалик (жорий) назорат- ҳар куни амалга ошириладиган ёки ўқув жараёни мавзулари бўйича;

- чегаравий назорат- маълум курс алоҳида бўлимининг тугаши муносабати билан ўтказилади;

- якуний назорат маълум курснинг тугаши муносабати билан ўтказилади (ёки фан цикли, ўқитиш босқичи ҳамда ўқув юртини тугатиш муносабати билан).

5. Тестлаштиришнинг диагностик даражаси, берилган тестдан кўзланган мақсад:

-симптоматик диагностикага - яъни билим ва ўзлаштиришнинг “юқори қатламларига” қаратилиши (яъни маълум қонуният ёки формулаларни билиш билмаслиги ёки таниш-нотанишлиги ва бошқалар);

-этиологик диагностикага, текширув алоқа сабаби (нима учун айнан ўша билимларни билмаслиги ва бунинг қай даражада бошқа билимларни билишга боғлиқлиги)га қаратилиши;

-типологик диагностикада эса ўқувчининг ўтилатган дарс ва билимларни ўзлаштириш ва удалай олишида қандай позитив ғояларни кучайтириш кераклигига қаратилган бўлади.

6. Синалувчининг тестни бажариш фаоллигини оширишда эса ёзма ва оғзаки тестларга мос равишда ёзма ёки оғзаки жавобларни қўллаш. Масалан, ҳаракат тестларида (айниқса компьютерларда клавишларни босишдан тортиб, қисм программаларини чиқаришгача) ҳамда ҳисоблаш ишларини ўтказиш ва графикларни чизиш, лойиҳалаштириш ва ҳоказоларда. ҳаракат тестларини ўқиш ёки ишлаш қурилмаларида, машқ (тренажёрларда) тестларини, айнқса мутахассислик бўйича ўқитиш тизимларига киритиш мумкин.

7. Тестнинг гомогенлик даражаси (бир жинслик) ҳам тестни тузувчи муаллиф томонидан режалаштирилган бўлади. Шу жумладан:

-кўзланган мақсадга қараб тестнинг нимани текшириши кераклиги, айнқса, интегратив характердаги асосий критерийлардан (масалан, маълум амалларнинг талаб қилинган даражада ёки шу амалларни бажаришда сифат, миқдор тезлик, қатъий кетма-кетлик, жавобгарлик каби бир қанча) омилларни ҳисобга олиш;

-формал соҳада эса топшириқлар тузилиш шаклининг бир жинслиги (гомогенлиги) ёки турли шаклда бўлишлиги.

8. Вақт омили тестнинг тезкор бўлиши (ёки акси бўлиши керак), топшириқларнинг функционал равишда маълум (белгиланма) белгиланган вақтда бажаришнинг зарурлиги (қайси йўл билан, нимага асосланиб ёки жадал равишда қаерда, қандай топшириқларни бажариш вақтини баҳолаш учун, вақтнинг сарфланиш чегараси белгиланмаган).



2-чизма. Тестлар типологияси

9. Тестлаштиришни ташкил этиш усулларига эса умумий, индивидуал ёки жуда кам қўлланиладиган лекин жуда самарали ҳисобланган алоҳида усули ва гуруҳлар ҳолида текширилувчиларнинг ташҳисчи билан юзма-юз ҳолис (тестлаштиришнинг ЭҲМ воситаларидаги индивидуал дастурнинг замонавий варианты) туриши кабилар киради.

Чет эл педагогикаси тестлари таҳлили шунини кўрсатадики, уларни бизнинг миллий педагогикамизга кўр-кўрона кўчириб бўлмайди. Кўпчилик чет эл тестлари ягона дастур бўлмаган шароит учун тузилган. Ягона дастуримизнинг асосий мақсади - ахборот маданиятининг (компьютер орқали) намоён бўлиши

ва ўқув дастури асосий талабларининг бажарилишидир. Бизнинг тестларимизга асосий талаб-дастурга муносабат бўйича хотирадагини эшлаш бўлди. Бунга эришиш учун биз тажриба услубини қўладик.

Тестлар тузишда жуда серқирра вазифаларни қўллашга ҳаракат қилинди. Асосан қуйидагича тест-вазифалар қўлланилди.

- 1) тест-саволлар;
- 2) тушириб қолдирилганларни тўлдириш тестлари;
- 3) жавобларни танлаш тестлари (3-5 та жавоб ёрдамида);
- 4) “тўғри-нотўғри” тестлари (ўқувчи берилган тасдиқнинг тўғрилигини аниқлаши керак);
- 5) Асос-тести (ўқувчи жавобларини ўзи ихтиро қилади).

## 7-БОБ. ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Мустақиллигимизнинг пойдеворини мустаҳкамлашда, мамлакатимиз тараққиётида, Ўзбекистоннинг буюк давлатга айланишида таълим тарбия ишларини йўлга қўйиш, фуқароларни замонавий илм-фан, маданият, техника ва технология ютуқлари билан мунтазам равишда таништириб бориш бениҳоя катта аҳамиятга эга. Айнм пайда янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган баркамол, ташкилотчи ва зукко кадрларга эга бўлиш учун, биринчи навбатда, таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни ҳозирги давр талаби даражасига кўтариш зарур ва муҳимлигини ҳаёт тақозо этмоқда. Шу маънода таълим тизимида

фан-техника ютуқларини қўллаш, замонавий ахборотлардан воқиф бўлиш, халқаро INTERNET тармоғидан фойдаланиш билан бира қаторда таълим жараёнларини ташкиллаштиришда янги педагогик технологиялар қўллаш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Хўш, янги педагогик технология ўзи нима?

Таълим ислохотлари жадал олиб борилаётган бир пайтда педагогик луғатларда янги педагогик технология тушунчаси кўп учраб турибди. Ушбу луғатларда бу тушунчаларга турли хил ёндашувлар мавжуд. Улардан қуйидагиларни мисол тариқасида келтириш мумкин:

Педагогик технология - таълим шакли, усули, услублари, тарбиявий воситаларнинг махсус йиғиндисини аниқловчи психологик педагогик кўрсатмаларнинг мажмуи бўлиб, ўқитишнинг режалаштирилган натижаларига эришиш жараёнининг тавсифларидир. У ўқув жараёнининг лойиҳалаштирилиши, ташкил этилиши, ўтказилиши бўйича барча тавсилотлари билан ўйлаб чиқилган жамоа педагогик фаолиятининг модели ҳисобланади.

Демак, янги педагогик технологиялар, қисқа ва лўнда қилиб айтадиган бўлсак, ўқув жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган усул ва воситаларнинг йиғиндисидан иборат.

Иқтисодий педагогика бевосита иқтисодий воқеа-ҳодисалар билан узвий боғлиқ бўлганлиги учун ҳам, педагогиканинг бир қисми бўлганлиги фанда янги педагогик технологиялар қўлланилади.

Фанда иқтисодий жараёнлар педагогик жараён билан уйғунлаштирилади. Иқтисодий педагогика фаини ўқитишда миллий истиқлол мафқурасини ёшлар онгига сингдириш таълимнинг турли шакллари орқали

қуйидаги вазифаларни назарда тутган ҳолда амалга оширилади:

- кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчи-талабалар онгида миллий ғоя ва миллий истиқлол мафқурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш;

- ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларда миллий истиқлол мафқураси ғояларини теран акс эттириш;

- мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мафқуравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш ва ҳ.к.

Иқтисодий педагогика фанини ўқитиш жараёнида юқоридаги технологиялардан ташқари, яна бошқа янги педагогик технологиялар ҳам қўлланилади, яъни:

- фанни ўқитишда бугунги кун фан-техника ютуқларидан унумли фойдаланиш;

- ахборотлар, оммавий ахборот воситаларидан, рўзнома, журналлардан унумли фойдаланиш ва дарс жараёнида бевосита қўллаш;

- И.Каримов асарлардан фойдаланиш, яъни улардан фанга оид цитаталар келтириш;

- иқтисодий билимларни кенгайтиришда иқтисодий кроссвордлар, чайнвордларни қўллаб, талабаларни активлаштириш;

- фанни ўқитиш жараёнида муаммоли вазиятларни ташкил этиб, ўзаро иқтисодий мушоҳада юритиш;

- иқтисодий педагогика фанини ўқитишда талабалар иштирокида иқтисодий ўйинларни уюштириш.

Юқорда келтирилган муноқазалардан фанни ўқитиш жараёнида қўллаш мумкинки, улар янги педагогик технологияларнинг асосини ташкил этади.

Маълумки, технология максимал даражада ўқув



жараёни - ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти, унинг таркиби, воситалари, усул ва шакллари билан боғлиқдир. Шунинг учун педагогик технология таркибига қуйидагилар киради:

1) концептуал асоси;

2) таълимнинг мазмунли қисми-таълимнинг умумий (ва аниқ мақсадлари; ўқув материалларнинг мазмуни);

3) процессуал қисми-технология жараёни. Бу эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

-ўқув жараёнини ташкил этиш;

-талабалар ўқув фаолиятининг шакл ва методлари;

- материални ўзлаштириш жараёнининг бошқарилиши бўйича ўқитувчининг фаолияти;

-ўқув жараёнининг диагностикаси.

Ҳар қандай педагогик технология баъзи асосий методологик талабларни (яъни технологик мезонлар) қондириш керак.

*Концепция* - ҳар бир педагогик технология фалсафа, психологик, дидактик, таълим мақсадларга эришишнинг ижтимоий педагогик далилларини ўз ичига оладиган аниқ илмий концепцияга таяниши керак.

*Тизимлилик* - педагогик технология тизимининг ҳамма белгиларига, жараённинг мантиқига, ҳамма қисмларининг ўзаро боғлиқлигига, бутунлигига эга бўлиши керак.

*Бошқариш* - таълим жараёнини лойиҳалаштириш, режалаштириш, мақсадли диагностик имкониятларни босқичма-босқич уйғунлаштириш воситалари ва унинг натижаларини мақсадли услублар билан тузатиш имкониятларини ифодалайди.

*Самарадорлик* - замонавий педагогик

технологиялар аниқ шароитларда амал қилади ва натижалари бўйича самарали бўлиши, сарфлари бўйича эса оптимал бўлиб, таълимнинг стандарт ютуқларини маълум даражада кафолатлаши керак.

*Такрорланиши* - бу педагогик технологияни бошқа бир турдаги таълим муаммоларда, бошқа субъектлар томонидан қўллаш имкониятини беради.

Ҳозирги замон педагогикасида таълим тизимининг мазмуни ва процессуал компонентларнинг бирлиги (таълимнинг мақсадлари, мазмуни, методлар, шакл ва усуллари) ҳақидаги тушунча қарор топди.

Педагогик технологияларни такомиллаштириш жараёнида уларнинг компонентлари консервативликнинг турли даражаларини юзага чиқаради. Бунда методларнинг кардинал ўзгаришлари шакл ва мазмун, мақсадларнинг чуқур ўзгартиришлари олиб келишига қарамасдан, таълимнинг мазмуни таълим технологиясининг муҳим қисми бўлиб, унинг процессуал қисмини ҳам аниқлай олади.

Шундай қилиб, таълим технологиясининг процессуал ва мазмун қисмлари бир бирини тенг равишда акс эттиради. Булар орасида яна бир компонент, дидактика воситасининг таълим мазмунида энг муҳим белгиловчи ўринда дарслик туради.

Сўнги йилларда мамлакатимизда кўп педагогик технологиянинг ҳар хил танловлари билан уйғунлашган дарсликлар пайдо бўлди. Бу эса ўз навбатида таълим сифати янада ошишининг назарий имкониятларини беради.

Педагогик технологияларнинг моҳияти ва инструментал моҳиятли хусусиятлари (масалан, мақсадли ориентация, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги алоқаларнинг хусусиятлари, таълимни тапшиқ этиш)га

кўра қуйидаги синфларга бўлинади:

1. Қўллаш даражаси бўйича қуйидагиларга ажратилади:

- а) умумпедагогик;
- б) хусусий методик (предметли);
- в) локал (модул) технологиялар.

2. Фалсафий асоси бўйича қуйидагиларга бўлинади:

- а) материалистик;
- б) идеалистик;
- в) диалектик ва метафизик;
- г) илмий ва диний;
- д) гуманистик ва антигуманистик;
- е) антропософик ва теософик;
- ж) эркин тарбия ва мажбурий тарбия.

3. Психик ривожланишнинг бош омили бўйича:

- а) биоген;
- б) социоген;
- в) психоген;
- г) идеалистик технологиялар.

Бугунги кунда, ҳаммага маълумки, шахс - бу биоген, социоген ва психоген омиллари ялпи қўшилган таъсирининг натижаси ҳисобланади, лекин аниқ бир технология улардан бирортасига ставка қилиб, уни асосий деб ҳисоблаши мумкин.

Умуман олганда, фақат битта омил, метод, тамойилдан фойдаланган технологиянинг модели амал қилмайди. Педагогик технология ҳар доим комплекс ҳисобланади. Лекин, технология таълим жараёнининг у ёки бу томонларига эътибор қилиб, характерли бўлади ва бу билан ўз номини олади.

4. Маҳаллий тузилишига бўлган йўналиши бўйича ахборот технологиялар.

5. Тузилишнинг характери бўйича:

- а) таълим ва тарбия;

б) диний;

в) умумтаълим ва профессионал-ориентацияли.

Педагогик жараённинг самарадорлигини оширишда мустақил ишлар ва унинг мазмуни. Шахс ривожланишида таълим жараёнларини ташкил этиш, маълум предметлар асосида таълим бериш, оилада ва жамоат жойларида тарбиялаш билан бир қаторда ўқув, ақлий меҳнат, ижодиёт талаб этувчи таълим шаклларида бири мустақил ишдир.

Мустақил ишлар - таълим жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, талабаларни мустақил билим олишлари, илмий изланишлари, илмий мушоҳадалар, эркин фикр юрита олишлари, ўз устида ишлай олишлари, илмий адабиётлар билан ишлашлари кабиларни таъминлайди.

Олий мактабларда мустақил ишларни ташкил этишда олий ўқув юртининг ўқув дастурида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳар бир предмет учун ажратилган умумий соатлар кўрсатилиб, шундан маъруза учун ажратилган соатлар, семинар учун ажратилган соатлар ва шу билан бирга талабаларни мустақил ишлашлари учун мустақил ишлар учун соатлар ажратилади.

Мустақил ишлар иқтисодиёт педагогикасида жумладан қуйидагича бўлиши мумкин, яъни қуйидаги мавзулар талабалар томонидан ўрганилиб, ўзаро таҳлил қилинади;

а) иқтисодий педагогика фанининг предмети мақсад, вазифалари аниқлаш;

б) иқтисодиёт билан педагогиканинг боғлиқлик томонлари;

в) фаннинг категорияларини (тушунчаларини), қонуниятларини чуқур таҳлил қилиш;

г)фан билан ишлаб чиқаришни боғлиқлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш ва ҳ.к.

Қисман, мисол тариқасида келтирилган юқоридаги мавзулар билан ишлашда талабаларни адабиётлар билан ишлашлари, мустақил фикрлашларини таъминлашга, эркин ижодий фаолият билан шуғулланишга ўргатилади.

Шу билан бирга мустақил ишлар таркибига ўқув жараёнида амалга оширилиши керак бўлган илмий ишлар таркибини ҳам киритиш мумкин, яъни уларга реферат тайёрлаш, қисқача адабиётлардан конспект қилиш, илмий докладлар тайёрлаш, конференцияларда иштирок этиш, курс ишларини, диплом лойиҳасини тайёрлаш, амалиёт натижаларини акс эттирувчи ҳисоботлар тузиш.

Юқорида қайд қилинган барча ишлар мустақил ишлар таркибига киритилади ва улар олий ўқув юртларининг ўқув режаларида қайд қилинади. Ҳар бир талаба мустақил ишлар билан шуғулланиши давомида ўзига илмий озуқа, иқтисодий малака, иқтисодий кўникма, тежамкорлик, бозор иқтисодиёти қонун қоидаларига амал қилиш, ўқув ишларини мустақил ташкил этишга ўрганади.

Мустақил иш билан шуғулланувчи талаба қўйидаги натижаларга эришадилар:

-вақтдан унумли фойдаланиш (вақт, кун, ҳафта, ой, йил, семестр);

-бирор фаолият билан шуғулланиш ёки дам олишларни режасини тузиш;

-албатта, кун учун тузилган режаси бажариш;

-доим кўшимча вақтдан фойдаланиш;

-ўзининг интеллектуал салоҳиятидан келиб чиқиб, муаммоли вазиятларда яқуни хулоса қила олиш;

-ҳар қандай ишни юқори даражада бажаришга эришиш ва ҳ.к.

## 8-боб. ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ

### 1-§. Илмий тадқиқот ишларининг турлари

Илмий тадқиқот иши - ижодий фаолиятнинг муҳим шаклларида бири бўлиб, у табиий жараёнларни жамиятнинг ишлаб чиқариш жараёнларида қўлланиладиган қонун-қоидаларни ўрганишда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва уларни амалиётга қўллай ола билишга ҳаратилган жараёнлар яхлигидан иборат.

Дастлаб, XVII аср охири XVIII аср бошларида илм-фан ва техника билимлари алоҳи-алоҳида ўрганилиб келинган. Ўша даврда илм-фан фақат атроф муҳитни билиш учун қўлланилган. Шунинг учун техника ва ишлаб чиқариш жараёнлари илм-фан билан боғланмаган ҳолда илм фан ривожланиши техника ва ишлаб чиқариш ривожланишига таъсир эта олмаган. Кейинчалик жамият тез суръатлар билан ривожланиб бориб, унда илм-фан техника ва ишлаб чиқариш жараёнларини бир бирига боғлиқлик томонлари сезилиб қолди.

Шу туфайли фан охириги вақтларда давлатнинг асосий режалаштирувчи воситаси бўлиб қолди. Шу маънода илм фанни янада ривожлантириш илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун турли хил олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари фаолият олиб боришмоқда. Ҳозирда улар зиммасига илмий амалий тадқиқотлар олиб бориш вазифалари юклатилган.

Илмий тадқиқот ишлари ҳар қандай ижодий фаолият каби ягона шаблон ёки чизмага асосан олиб

борилмайди, у кишида катта ижодий изланиш, масъулият талаб қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакли, ана шу изланиш, масъулият ва меҳнат пировард натижаларини илмий тадқиқоти (изланувчи) кўрсин.

Иқтисодий педагогикада талабалар илмий тадқиқот ишларининг қуйидаги мақсад ва вазифалари мавжуд:

-барча талабаларни замонавий илмий тадқиқотлар методологияси, уларни режалаштириш асослари билан таништириш;

-бўлғуси иқтисодчи-педагог талабалар онгида илмий ишнинг амалий кўникмаларини ҳосил қилиш, илмий муаммоларга ишида ижодий ёндашиб, уларни илмий адабиётлар билан ишлашга ўргатиш;

-изланувчиларда тажрибалар ўтказиш методикасини ўргатиш, тажриба натижаларини тўғри таҳлил қилиш ва умумлаштириш, график ва жадвалларни туза билиш ва уни таҳлил қила олиш;

-илмий тадқиқот ишларида замонавий илм фан ютуқларидан фойдаланиш (ЭҲМ, компьютер, INTERNET);

-тадқиқот натижаларини тўғри ёзма баён қилиш усуллари ва асосий қонун қоидаларини ўргатиш (ҳисобот, тезис, мақола) ва оғзаки баён қилиш (маъруза, маълумот бериш, илмий анжуманда нутқ сўзлаш) ва ҳ.к.

Олий мактабнинг асосий вазифаларидан ҳисобланган талабалар илмий тадқиқот ишларини олиб боришга тайёрлаш ва унга ўргатишда уларнинг илмий билимларини ошириш, ўз устида тинмай ишлай билишлари, фан-маданият, тарих ижтимоий психология ва бошқа фанларни чуқур эгаллашни талаб этади. Шу маънода талабаларни илмий тадқиқот ишларга

Ўргатишда қуйидаги йўллар назарда тутилади:

- талабаларни ўрганилаётган фанни чуқур билишга жалб қилиб, табиат ва жамият ҳодисаларини кузатишга ўргатиш;

- ўрганилаётган фан ва изланилаётган соҳа бўйича далиллар, статистик маълумотлар тўплашга тайёрлаш ва ўргатиш;

- талабаларда сезги ва идрок орқали пайдо қилинган тасаввурларни тушунчаларни тафаккур қонунлари асосида таққослаш, солиштириш, ҳукм чиқариш, хулоса қилиш ва энг пировард мақсад тадбиқ қилишга ўргатиш;

- талабалар онгида пайдо бўлган илмий ғоя, фаразларни тадбиқ қилишга интилиш ва уни рўёбга чиқаришга ўргатиш;

- талабалар илмий ишларини умумлаштиришга, улардан хулоса чиқаришга ўргатилади ва ҳ.к.

## **2-§. Талабаларда миллий онгни тарбиялаш**

Инсон тарихи - ғоялар тарихи. Ғоя - инсон тафаккури маҳсули, миллий ғоя эса миллат тафаккурининг маҳсулидир. Миллий ғоя - инсон ва жамият ҳаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи.

Мафкура эса муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг аҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимидир.

Ҳар қандай тушунча, фикр ва қараш ҳам миллий ғоя бўла олмайди. Чунки, шахсий фикр-ўзига хос бир қарашдир, ижтимоий фикр эса-воқеликка нисбатан ўзгариш ёки ҳаракатни тақозо этадиган фаол



муносабатни ифодалайди. Ғоя ана шу муносабатни ҳаракатга, жараёнга, зарурат туғилганда эса, бугун бир давр тарихига айлантиради.

Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, дунёда 2 куч-бунёдкорлик ва бузғунчилик ғоялари ҳамisha ўзаро курашади.

Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир.

Миллий истиқлол мафкураси:

-Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади;

-халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуф бобокалонларимизнинг ўлмас меъросидан озиқланади;

-адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради;

-юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади;

-жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади;

-миллати, тили ва динидан қатъий назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради;

Миллий мафкура фақат бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала,

жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор бўлиб келган.

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси - овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бу ғоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди. ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этади.

Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоясида овозлик тушунчасининг устувор ва етакчи ўринда туриши Ватан мустақиллиги барча орзу-интилишларимиз, амалий фаолиятимиз ва ёруғ келажагимизнинг асоси эканидан далолат беради.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқади ва ўзининг маъно-моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан уни халқимизнинг қалби ва онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қилади.

*Ватан равнақи.* Ватан инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётига мазмун бахш этадиган табаррук маскандир.

Ватаннинг равнақи, аввало, унинг фарзандларига ва уларнинг камолига боғлиқ. Бу эса ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади.

Миллий ғоя ҳеч қачон Ватандан ташқарида илдиз отмайди ва ривожланмайди. Ватаннинг равнақиға хизмат қилмайдиган ғоя ҳеч қачон миллий ғоя бўла олмайди. Бугунги кунда жамиятимизда тадбиркорлик,

эркин иқтисодий фаолият кенг ривожланаётгани, давлатимизнинг иқтисодий қудрати ортаётгани, халқимизнинг маънавияти бойиб, илм-зиё салоҳияти юксалаётгани Ватан равнақининг асоси бўлади.

*Юрт тинчлиги* - бебаҳо неъмат, улуғ саодат, барқарор тараққиёт гарови. Ўзбек халқи тинчликни юксак қадрлайди, уни ўз орзу интилишлари, мақсад - муддаолари рўёбга чиқишининг кафолати деб билади. Ватан озодлиги ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бировга қарам бўлган халқ ҳеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди. Шунинг учун ҳам мустақиллик ва тинчликни асраш, мамлакатимизни тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз лозим. Юксак маънавият, сиёсий маданият, миллатнинг ғоявий ва мафкуравий етуқлиги - юрт тинчлигини сақлашнинг муҳим омилдир.

*Халқ фаровонлиги.* Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсади - халқимизга муносиб турмуш шароити яратишдан иборат. Яъни ислохот ислохот учун эмас, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак. Жамиятимиздаги ҳар қандай янгиликни, ҳар қандай ўзгариш моҳиятида ана шу эзгу мақсад мужассамдир. Миллий истиқлол мафкураси моҳият эътибори билан фуқароларимизда ҳар қайси инсон ва оила бадавлат бўлса, жамият ва давлат ҳам кучли ва қудратли бўлади, деган тушунчани тарбиялашга хизмат қилмоғи лозим.

*Комил инсон.* Эркин фуқаролик жамиятини маънавий баркамол, эзгу ғоялар ҳаётини эътиқоди бўлган инсонларгина бунёд эта олади. Шунинг учун янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш

орқали баркамол инсонларни вояга етказишга муҳим эътибор берилмоқда.

*Миллатлараро тотувлик.* Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Миллатлараро тотувлик ғояси умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу ғоя - бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир. Бугунги кунда мамлакатимизда яшаб келаётган миллатларни ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш истиқлол мафкурасининг асосий мақсадларидан биридир.

Миллий истиқлол мафкураси халқнинг, жамиятнинг ўз олдига қўйган эзгу мақсад-муддаолари амалга оша боргани, тараққиёт тажрибалари ортгани сари бойиб, такомиллашаверади. Бу мафкура эркин фуқаролик жамияти, фаровон ҳаёт барпо этишга азму қарор қилган, бу йўлда собитқадамлик билан олга бораётган халқ мафкурасидир. Мафкура - инсон руҳияти, тафаккури ва дунёқарашини ўзгартирадиган кучли восита.

## 9-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА УНГА РАЎБАРЛИК ҚИЛИШ

### 1-§. Бошқаришнинг ижтимоий- иқтисодий асослари

Мустақил Ўзбекистон давлатини ҳар томонлама ривожлантириш, иқтисодий мустақиллигини таъминлаш кўп жиҳатдан замон талабига жавоб берадиган раҳбар ва мутахассисларни тайёрлаш сифатига боғлиқ. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув кадрларини тайёрлашда олий таълим муассасаларининг роли катта, албатта. Олий таълимнинг асосий мақсадларидан бири, бозор иқтисоди муносабатлари шароитида ишлай оладиган малакали кадрларни тайёрлаш, яъни ўқувчиларда замонавий фикрни шакллантира оладиган, ҳўжалик юритиш ва бошқарувда янгича усулларни қўллаш оладиган, шунингдек раҳбарлик санъати сирларини ўргана оладиган даражада назарий ва амалий билимлар беришдан иборатдир.

Иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади - бошқарувнинг маъмурий бўйруқбозлик шаклларида иқтисодий шаклларига ўтиш ва шунинг негизида бозор муносабатларини шакллантиришдан иборат. Шу ўринда И.Каримовнинг Иккинчи чақирғиқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Биринчи сессиясида “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз” номли маърузасидан қўйидагиларни, яъни “Биринчидан, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш.

Бу хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишни англатади”<sup>26</sup>.

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда бошқарув аппаратининг роли муҳим аҳамиятга эга. Бошқарув аппаратининг тузилиши деганда, бошқарув аппарати ва улар орасидаги боғланиш тушунилади. Бошқарув аппаратининг таркибини бир-бири билан боғланган тенг ҳуқуқли бирикмалар ва бўғинлар билан тўлдириш унинг тизими дейилади.

Ташкилий қисм бу бошқарув тизимининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, бошқарувчи тизим, субъекти ташкилий тузилишининг шакли демакдир. У бошқарув тизимининг негизи сифатида майдонга чиқади ва кадрлар билан бошқаришни ташкил қилиш расмий қоидаларини тартибга солади. Шунинг учун ҳам унинг бошқарув тизимидаги роли бениҳоя каттадир.

Ўзбекистонда бошқаришнинг илмий асослари пайдо бўлиши ўзининг чуқур тарихий илдизларига эга бўлиб, унинг асосий тамойиллари XIII-XIV асрларга келиб Ўрта Осиё Амир Темур ҳукмронлиги даврида тўла шаклланган эди. Бу даврда юқори интизом, ижтимоий ҳимоя ва олий даражадаги бошқариш тизимига эга бўлган давлат бунёдга келиши ўрта аср давридаги бошқариш услублари ўзида энг илғор ғояларни мужассамлаштирганидан дарак беради. Бошқарув тизимининг самарали ташкил этилиши, унинг инсонпарварлик, иқтисодий ва рационал усул билан

---

<sup>26</sup> Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза. 2000 й. 22 январь.-Т.: Ўзбекистон, 2000.

ташқил этилиши, унинг негизида инсон манфаатлари ётганлиги, давлат сиёсатининг бошқарувга ижобий таъсири, дунёда буюк давлат пайдо бўлиши билан яқунланди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бошқаришнинг мақсади инсоният яхши яшаши, ишлаши, ўқиши учун шароит яратиш, уларни жипслаштириб, бирлаштириб туришга имкон беради. Ҳар қандай ижтимоий тизимда меҳнат корпорацияси ташқил топгани ҳолда унда бошқариш мавжуддир. Ҳар қандай нисбатан катта миқёсдаги бевосита ижтимоий ёки биргаликда қилинадиган меҳнат муҳофазасига маълум даражада муҳтож. Бу идора қилувчи индивидуал ишлар ўртасида гармония ўрнатади.

Маълумки, бошқариш деб, кўзда тутилган мақсад учун қилинадиган ҳаракат тушинилади. Ҳар қандай бошқариш асосида кўзда тутилган мақсад ётади. Бошқаришда бошқарувчи тизим, ва бошқарилувчи тизим амал қилади. Шундай экан бошқариш бирор бир тизимни иккинчи бир тизимга ўзгартиришга айтилади. Бошқарувчи тизим бошқарилувчи тизимга таъсир кўрсатишда амал қилиши керак бўлган қонун қоидаларга бошқариш тамойиллари (принциплари) деб аталади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бошқаришнинг қуйидаги тамойилларини келтириш мумкин ва у тамойиллар бозор иқтисодиёти шароитида ҳам амал қилади:

- демократик тамойили;
- сиёсий раҳбарлик тамойили;
- хўжаликни режали юритиш тамойили;
- илмийлик тамойили;
- кадрларни тўғри танлаш тамойили.

Бошқариш тамойиллари билан бирга унинг вазифалари ҳам мавжуд. Бошқаришнинг вазифаси кишиларнинг субъектив фаолиятини биринчи навбатда бошқариш соҳасидаги фаолиятини объектив қонунларнинг талабларига ана шу қонунлар белгилаб берадиган прогрессив тенденцияларнинг талабларига мувофиқлаштиришдан иборат. Шу сабабли иқтисодий қонунларнинг моҳиятини, уларни амал қилиш шароитини билиш халқ хўжалигининг ҳамма босқичларида илмий асосда бошқаришни ташкил этишнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Шундай экан бошқаришнинг қуйидаги вазифалари (функциялари) амал қилади: режалаштириш, мувофиқлаштириш, ишлаб чиқиш, ўзгартириш киритиш, назорат қилиш.

Маълумки, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида “Таълим тўғрисида”ги қонун қабул қилинган эди. Ушбу қонуннинг 10-моддасида таълим турлари баён этилган бўлиб, унда мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта-махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим кабиларни ўз ичига олиши назарда тутилади. Шундай экан, ушбу таълим муассасаларини ҳам бошқариш назардан четда қолмайди.

Қонуннинг 28-моддасида “Таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради. Таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин”, деб таъкидланган.



## **2-§. Олий мактаб, маҳалла ва жамоат ташкилотларининг тарбиявий ҳамкорлиги**

1993 йилда тарбия жараёни қатнашчилари ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган Мустақил Ўзбекистонда ёш авлодни тарбиялашда “Маҳалла, мактаб ва оила” ҳамкорлиги концепцияси ёшларни маънавий, маърифий, ватанпарварлик, байналминаллик, истиқлол ғояларига содиқ қолиб тарбиялашда кенг жамоатчилик ҳаракатларини мувофиқлаштириш борасида, унинг самарадорлигини оширишда зарур дастури амаллигини ўтган вақт кўрсатди.

Мамлакатимиз ҳаётида кейинги йилларда қабул қилинган таълим ва тарбия тўғрисидаги қатор директив ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонунлари жамиятимизда оила салоҳиятини янада юқори поғонага кўтарилаяпти. Ижтимоий-сиёсий соҳаларда қабул қилинган қатор ҳукумат ҳужжатлари, миллий мафкура ғояларининг шаклланиши ушбу концепция мазмун ва моҳиятини шу кун талаби даражасида бўлишини тақозо этмоқда.

1998 йилнинг “Оила йили” деб эълон қилиниши оила ҳаётининг абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак наслар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканлигини яна бир бор яққол мисоли бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 30-моддасида “Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари

боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишлари учун жавобгардирлар”, - деб белгилаб қўйилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда оилада соғлом муҳит бўлиши, миллий руҳ ва ўзбекона турмуш тарзини ҳисобга олиш, фарзандлар учун ота-она ҳар томонлама ўрнак бўла олиши, фарзандда ота-онасига, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, ўзаро ғамхўр бўлиб, ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, оила аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини англаб етишларини ва уларга риоя қилишларини шакллантириш лозим.

Ота-оналарнинг вазифалари фарзандларига чуқур дунёвий билим асосларини бериш, маънавий ва маърифий, маданиятли бўлиб етишишларини таъминлаб, бозор муносабатларига мос бўлган касб-хунар ва иқтисодий тушунчаларни улар онгига сингдириш, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий камолотини таъминлаш учун етарли муҳит яратишдан иборат.

Болаларда мустақил фикрлаш ва ўзини дунёқарашига эга бўлиши билан бир қаторда, уларда истиқлол ғоялари ва миллий мафкурага садоқат руҳини тарбиялаш, бўш вақтларини педагогик нуқтаи назардан келиб чиқиб, унумли ташкил қилиш, уларга қўшимча таълим бериш, касб-хунар ўргатиш лозим.

Фарзандларнинг мактаб, маҳалла, жамоатчилик олдидаги вазифаларини тўла адо этишга қонуний жавобгар эканлигини ҳис қилиш, ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи, ўзбекона таъбир билан айтганда: фарзандга яхши ном қуйиш, яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш, илмли, касб-хунарли қилишдан иборатдир.

*Мактабнинг вазифалари:* Мактабда болага чуқур

билим, таълим-тарбия мафкуравий ғоя, ўзбекона миллий қадриятлар, ҳалол меҳнат, бирор бир касб-хунарни эгаллаши учун мустаҳкам пойдевор яратишдек масъул вазифани замонавий талаб даражасида амалга ошириш лозим. Уларга таълим беришнинг илғор педагогик технологиялар, замонавий ўқув-методик дастурлар асосида билим бериш, ўқув жараёнларини жаҳон андозаларига мос дидактик жиҳатдан таъминлаб, ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини таҳлил қилиш керак. Ижтимоий- иқтисодий муҳитдан келиб чиқиб, уларни турли соҳа бўйича касб асосларига йўналтириш ва таълимда табақалаштирилган ёндашув жорий этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ёш оилалар билан ишлаш, тиббий-тарбиявий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий тушунчалар бериш учун махсус тадбирларни амалга ошириб, ўзининг ҳудудига маҳаллалар жамоалари тарбиявий фаолиятини ўз мақсадида мувофиқлаштириш лозим.

Бола тарбияси ижобий йўлга қўйилган оилаларнинг тегишли идоралар ҳамкорлигида ютуқларини ўрганиб, оммалаштириш ва рағбатлантиришни амалга ошириш зарур. Турар-жой ва маҳаллада олиб борилаётган барча тарбиявий, маънавий- маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирлари маркази мактаб бўлишига эришилиб, ўқувчи ёшлар, ота-оналар жамоатчилик билан ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш, тарбия жараёнининг барча қатнашчилари орасида миллий мафкурамиз, истиқлол ғояларини тарғиб қилиш, диний ақидапарастлик ва давлатимиз интилишларига зид бўлган ғояларнинг кириб келишига қарши муросасиз курашни ташкил қилишимиз лозим.

Таълим муассасалари Низоми асосида ўқувчиларнинг мактабда жорий қилинган тартибга амал қилишларини

ва Низомда белгиланган ўқувчилар кийимларида таълим-тарбия жараёнига қатнашишларини таъминлаш лозим.

маҳаллада хотин-қизлар орасида замонавий билимларни тарғиб қилиш, ўсмир ёшларни дунёвий билимларга бўлган интилишларини шакллантириш, уларнинг турли норасмий диний таълим олишларини ман этиб, тарбия субъектлари бўлмиш ҳуқуқий, тиббий, ижодий уюшмалар, ёшлар, табиатни муҳофаза қилиш ва “Экосан”, “Қизил хоч ва қизил ярим ой”, барча жамғарма ва жамоатчилик марказлари, оммавий ахборот воситалари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказлар, касаба уюшмалари, нодавлат ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқалар ўрнатиш.

## А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Таълим ҳақида Қонун. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонуни. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон мафқурасининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқи. -Т.: 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон, миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. 1-т. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-т. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-т. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-т. -Т.: Ўзбекистон 1997.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
9. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Мулоқот журнали, 1998 й, 5-сон.
10. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. -Т.: Шарқ, 1999.
11. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. Ўқув қўлланма. -Т.: Меҳнат, 1997.
12. Ўлмасов А. Амалий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. - Т.: 1997 й
13. Гулбоев Т., Шодиева М. Педагогика назариясидан маърузалар китоби. 1-2- қисм. Навоий, 1999.
14. Мунавваров А. Педагогика. Дарслик. Ўқитувчи, 1996.
15. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Қ. Педагогика тарихи. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 1997.
16. Ҳасанбоев Ж. XIV асрнинг 2-ярим ва XV асрларда Моварауннаҳрда мактаб моддаси ва таълим-тарбия. Ўқув қўлланма. -Т.: Педагогик институт 1998.
17. Ҳасанбоев О. ва бош. Одобнома 1-2-3 синфлар учун ўқув қўлланма. Т.; Таълим маркази, 1999.
18. Хўжаев Н. Иватов И. Иқтисодий билим асослари. -Т.: ТДИУ, 2000.

# М У Н Д А Р И Ж А

Бет.

Кириш.....	3
1-боб. ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ МОҲИЯТИ .....	4
1-§. Мустақиллик ва иқтисодий таълим педагогикасининг мақсад- вазифалари .....	4
2-§. Иқтисодий таълим педагогикасининг бошқа фанлар билан алоқаси тушунчаси.....	14
2-боб. ИҚТИСОДЧИ ПЕДАГОГ ТАЙЁРЛАШДА И.А.КАРИМОВ АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	16
1-§. И.Каримов асарларида иқтисодий таълим аҳамияти.....	16
2-§. Ўқув жараёнида семинар машғулотлар ташкил этиши.....	22
3-боб. БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИ ПЕДАГОГЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	40
1-§. Олий мактаб талабаларининг психологияси ҳақида.....	40
2-§. Ўқитувчи ва талаба ҳамкорлигининг самараси.....	43
3-§. Иқтисодий педагогиканиннг ривожланиш тарихи.....	46
4-§. Ўрта Осиё мутафаккирлари ижодида иқтисодий тарбиянинг ифодаланиши .....	49
4-боб. ИҚТИСОДЧИ-ПЕДАГОГ ВА УНИНГ КАСБИЙ ВА АХЛОҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ .....	54
5-боб. ИҚТИСОДИЙ-ПЕДАГОГИКАНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ (ДИДАКТИКА).....	61

1-§. Дидактика унинг моҳияти ва тамойиллари.....	61
2-§. Билиш таълим жараёнининг методологик асосидир.....	63
3-§. Таълим жараёнида билиш фаолиятининг босқичлари.....	66
4-§. Ўзбекистонда фан-техниканинг ривожланиши.....	71
5-§. Таълим тизимини ривожлантириш истиқболлари.....	78
<b>6-боб. ТАЪЛИМНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ.....</b>	<b>85</b>
1-§. Таълим шакллари ҳақида умумий тушунча.....	85
2-§. Талабалар билимларини текширишнинг рейтинг усуллари.....	95
7-боб. ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР.....	102
8-боб. ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ.....	110
1-§. Илмий-тадқиқот ишларининг турлари.....	110
2-§. Талабаларда миллий онгни тарбиялаш.....	112
<b>9-боб. ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА УЛАРГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ.....</b>	<b>117</b>
1-§. Бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий асослари.....	117
2-§. Олий мактаб, маҳалла ва жамоат ташкилотларининг тарбиявий ҳамкорлиги.....	121
<b>АДАБИЁТЛАР.....</b>	<b>125</b>

Хўжаев Нутфулла  
Ҳасанбоев Жамолиддин

Иқтисодий педагогика  
Ўқув қўлланма

Муҳаррир Икромова Д.М.  
Мусаҳҳиҳа Ваҳобова М.М.

Теришга берилди 10.2002. Бичими 60x84 116  
Шартли босма табағи 4,8  
Адади 1000 нусха. Буюртма.№ 215  
700063. Тошкент ш.

Масъудияти чекланган жамияти  
"RANGLI TURKISTON" босмаҳонасида тайёрланган  
Тошкент ш., Хуршид кучаси, 122  
зак. № 215 — 1000 — 2002